Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ҚИШЛОҚ ҲАҚИҚАТИ

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Қўмитасининг рўзномаси

1991 йил 24 май
ЖУМА
№ 98 (5.140).
БАҲОСИ 8 ТИЙИН

1974 йил 1 январдан чиқа бошлаган ◆ Ҳафтада беш марта чоп этилади

Тошкент аэропортида кутиб олиш пайти.
А. ГОРОКРИК, Р. ЖУМАНИЁЗОВ олган сурат. (ЎзТАГ).

СССР БОШ ВАЗИРИ ЎЗБЕКИСТОНДА

СССР Бош вазири В. С. Павлов 22 май куни Тошкентга келди.

Совет Иттифоқи ва Ўзбекистон ССР давлат байроқлари билан безатилган аэропортда В. С. Павловни Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримов, жумҳурият вице-президенти Ш. Р. Мирсаидов, бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

В. С. Павлов самолёт пиллапояси олдида журналистларнинг саволларига жавоб қайтарди.

СССР Бош вазири жумҳуриятга сафари мақсадларига тўхталиб, у шу куннинг долзарб вазифалари билан, хусусан бозор муносабатларига ўтиш муаммоларини ҳал қилиш билан боғлиқ эканлигини таъкидлади. Бундай муаммолардан энг мураккаби, — деди у, — бозор иқтисодиётига ўтиш пайтида жумҳуриятлар шароитининг бир хил эмаслигидир. Ўнлаб йиллар давомида ихтисослаштиришга зўр бериб келинди: ҳар бир жумҳурият мамлакат иқтисодиётининг умумий вазифаларидан келиб чиқиб у ёки бу маҳсулотни ишлаб чиқаришга, у ёки бу хомашёни етказиб беришга ихтисослаштирилди. Бу аҳвол аҳоли турмушининг турли даражада бўлишига, турли минтақаларда яшовчи кишиларга нисбатан ижтимоий адолатсизликка олиб келди. Бозор — жўшқин нарса, шу сабабли бозор иқтисодиётига ўтиш босқичида бир қанча жумҳуриятларда бу муаммолар кескин тус олди. Уларни ҳал қилишга ҳозир жумҳуриятларда юз бераётган аҳволни диққат билан ўрганиб, аниқ ёндошмоқ керак.

Ўзбекистонда юз берган табиий офат келтириб чиқарган вазият менинг бу ерга сафаримни тезлаштирди, деди пировардида В. С. Павлов. Ўзбек халқига нима билан қандай ёрдам бериш, шу қийин пайтда унга қандай мадад беришни шу жойнинг ўзида аниқлаш лозим. Дўст бошга кулфат тушганда билинади, дейди халқимиз, халқлар ўртасидаги дўстликнинг эса узоқ тарихи, азалий анъаналари бор.

23 май куни СССР Бош вазири Нукусга жўнаб кетди, у Урганч ва Хивага ҳам боради.

В. С. Павлов билан биргаликда Ўзбекистон ССР Президенти, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби И. А. Каримов ҳам жўнаб кетди.

* * *

СССР Бош вазири В. С. Павлов билан Ўзбекистон Президенти И. А. Каримов Ўзбекистон Компартиясининг Қорақалпоғистон жумҳурият комитетида бўлиб ўтган фаоллар йиғилишида қатнашдилар.

Қорақалпоғистон Олий Кенгашининг Раиси, жумҳурият партия комитетининг биринчи котиби Д. Н. Шамшетов билан жумҳурият Вазирлар Кенгашининг раиси А. Х. Тожиев табиий офат — мисли кўрилмаган жала ва дўл оқибатларини тугатиш юзасидан ҳозир кўрилаётган тадбирлар тўғрисида ахборот беришди.

Дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда, 50 миллион сўмлик зарар етган. Пахта ва бошқа экинларни экиш муддатлари ўтиб кетганлиги, Қорақалпоғистоннинг бусиз ҳам зарар келтираётган ва паст рентабелли совхозлари ҳамда колхозлари қайта экишни жуда тез ўтказганларида ҳам юқори ҳосил олишга умид боғлай олмасликлари вазиятни янада оғирлаштирмоқда. Кўплаб уй-жойлар шикастланди ва шу сабабли Қорақалпоғистон ҳозирги вақтда, айниқса бинокорлик материалларига жуда муҳтож бўлиб қолди.

Оғир экология вазияти, табиий офатнинг қутуриши жумҳурият иқтисодиётига жиддий зарба берди. Қорақалпоғистон аҳолиси Иттифоқ ҳукуматининг ёрдамига умид боғламоқда, деб таъкидлашди нотиқлар. Бундай ёрдам бўлмаса, Орол муаммолари тугунини ечиб бўлмайди.

В. С. Павлов Орол фожиасини умуммиллий кулфат деб атади. Бугунги кунда Қорақалпоғистоннинг асосий вазифаси қурилиш суръатларини кучайтириш, қувватларни оширишдир. Ғишт ишлаб чиқарадиган корхоналар қурилиши жуда истиқболли ишдир. Иттифоқ ҳукумати экологик фалокат зонасида яшаётган аҳолига ёрдам бериш учун имкони бор ҳамма ишларни қилади, Орол муаммосини ҳал этишга ўз эътиборини кучайтиради.

Ўзбекистон ССЖ Президенти И. А. Каримов ўз нутқида кечикмай ҳал этилиши лозим бўлган аниқ масалаларга тўхталди. Бу масалалар орасида «Оролводстрой»ни моддий-техника ресурслари билан таъминлаш, Туямўйин-Нукус сув қувури ётқизилишини тезда тугаллаш масалалари бор. Қурилиш тармоғи базасини ривожлантиришда 10—15 та ғишт заводини қуриш катта ёрдам берган бўлур эди. Жаҳонда пахта етиштириладиган энг шимолий зонада тайёрланадиган хом ашёга нарх коэффициентини белгилаш зарур бўлиб қолди, Ўзбекистон ҳукумати ўз навбатида Қорақалпоғистон аҳолисига имкони бўлган ҳамма ёрдамни беради, деб ишонтирди Президент.

Кенгашда Туркманистон ССЖ Бош вазири Ҳ. А. Аҳмедов қатнашди.

В. С. Павлов «Узградострой» бирлашмасининг Нукусдаги уйсозлик комбинати иши билан танишди.

* * *

СССР Бош вазири В. С. Павлов билан Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримов 23 майда куннинг иккинчи ярмида Урганчга келдилар. Аэропортда уларни Хоразм вилоят партия комитетининг биринчи котиби, вилоят Советининг раиси Р. М. Худойберганова, вилоят ижроия комитетининг раиси А. Искандаров, бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

Хоразм меҳнаткашлари билан суҳбатларда вилоят иқтисодиётини ривожлантириш, бозор муносабатларига ўтиш муаммолари тилга олинди. Минтақада Орол денгизи фожиаси натижасида юз берган экология вазиятини яхшилаш масалаларига катта эътибор берилди. В. С. Павлов рафиқаси билан қадимий Хивада бўлдилар, шаҳарнинг диққатга сазовор тарихий жойларини — Ичанқалъа қўриқхонасини кўздан кечирдилар, музей ходимлари, илмий ходимлар, таъмирловчилар билан учрашувларда Шарқ меъморчилигининг қадимий архитектура ансамблларини авайлаб-асраш зарурлиги тўғрисида гапирилди. Совет ва хорижий туристлар компаниялари билан алоқаларни мустаҳкамлаш ва кенгайтиришнинг муҳимлиги таъкидлаб ўтилди.

Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарадиган йирик корхона — Хива гиламдўзлик бирлашмасига борилган пайтда ишчилар, инженерлар билан суҳбат бўлди.

СССР Бош вазири Хива районидаги Ленин номли жамоа хўжалигида бўлди, пахтакорлар билан суҳбатлашди.

Кечқурун Урганчда вилоят партия-хўжалик фаолларининг йиғилиши бўлди, унда В. С. Павлов нутқ сўзлади.

Шу куни В. С. Павлов билан И. А. Каримов Тошкентга қайтиб келишди.

(ЎзТАГ).

ТАБИИЙ ОФАТ ОҚИБАТЛАРИНИ ТЕЗРОҚ ТУГАТАЙЛИК

22 май куни Самарқанд вилоят партия-хўжалик фаолларининг йиғилиши бўлди. Табиий офат оқибатларини тугатишга доир тадбирлар мажмуи кўриб чиқилди.

Самарқандга келган жумҳурият Вазирлар Маҳкамаси раисининг биринчи ўринбосари И. Ҳ. Жўрабеков бошчилигидаги комиссия аъзолари энг кўп жабрланган районларда бўлдилар, жала ва дўл оқибатлари билан батафсил танишдилар.

Аниқланган маълумотларга кўра, 95,6 минг гектар пахта майдонларига, 21 минг гектар ғаллазорга, 48,2 минг гектар бедапояга жиддий шикаст етган. Катта майдонлардаги полиз ва сабзавот экинларига, картошкага ҳам зарар етган. 24 минг гектар боғ ва узумзорларни дўл уриб кетди. Етказилган зарар неча ўнлаб миллион сўм миқдорида ҳисобланмоқда.

Йиғилишда ишдан чиққан ерни ва шикастланган экин майдонларини тезроқ тиклаш юзасидан аниқ-равшан тадбирлар режалаштирилди. Бунинг учун зарур ресурслар, материаллар, техника ажратилмоқда. Деҳқонларга пахта ва бошқа экинларнинг эртапишар навлари уруғлиги, ўғитлар берилади.

Табиий офат зарбасига учраган аҳоли пунктларида яшовчиларга пул ёрдами ва бошқа ёрдам кўрсатилмоқда, бинокорлик материаллари, озиқ-овқат маҳсулотлари ажратилмоқда.

(ЎзТАГ).

ПИСТАЛИТОҒ ЭТАКЛАРИДА

Репортаж

Бу ерларни Жиззах даштининг энг адоғи, дейишади. Чиндан ҳам хўжалик ери кўриқ бағридан «тортиб» олинган. Унинг ўзлаштирилганига ўн йилдан ошаяпти. Чўлда меҳнат қилаётганлар жумҳуриятнинг турли томонларидан келишган. Улар орасида андижонлик, фарғоналик, самарқандлик вакилларни учратиш мумкин. Лекин хўжаликнинг асосини тоғлик Фориш районининг Карл Маркс номли давлат хўжалигидан келган ўша жойдаги қишлоқ кенгаши номи билан аталувчи қорабдолликлар ташкил этади

Мен бу ерга дастлаб икки йил муқаддам келгандим. Ўшанда қаҳрамоним эндигина иккинчи йил бригадирлик қилаётганди. Писталитоғ этакларида ястанган далаларда бўлиб, дуркун ўсаётган ниҳолларни, якка шийпон атрофида бўлаётган қурилишу боғларни, жамоанинг серғайрат аъзоларини кўриб завқим жўшганди.

Мана, яна ўша манзаранинг гувоҳи бўлиб турибман. Бу ернинг табиати, одамлари яна қалбимга шукуҳ бағишламоқда. Шийпон теварағи янада кўркамлашибди. Икки йил аввал бошланган қурилишлар тугалланган. Ўтқазилган ток ва терак қаламчалари бўй чўзиб, катта-катта тупларга айланган. Атрофга боқиб ҳақиқий оромгоҳ қўйнида тургандек ҳис этасан, киши. Ҳамроҳимга — эндиликда ҳам йириклаштирилган бригада, ҳам қадрдон звеноси бошлиғи Мамадиёр Нурапиевга билинтирмай нигоҳ ташлайман. Унинг юз-кўзидан мамнунлик ифодасини илғаш қийин эмас. Айни пайтда хаёли нималар биландир банд. Учратган одами билан алланарса тўғрисида гаплашади.

— Бу икки йигит шу йил сафимизга қўшилди, — дейди у. — Фарғонадан келишибди. Жамоамизга тез киришиб кетишди. Меҳнатсевар, ишчан, топшириқни виждонан бажарадиган йигитлар.

Шийпонда, атрофи очиқ ёзги айвонда бир пиёла чой ичгач, пахтазорга отландик. Мени ҳаммадан кўра кўкламги экиш-тикиш қандай ўтказилганлиги, ҳозир кўчатларнинг аҳволи кўпроқ қизиқтираётганди. Мамадиёр шийпон орқасидаги пайкал томон бошлади. Йўл-йўлакай янги боғга кўзим тушди.

— Кўчатларни бултур ўтқазгандик, — деди ҳамроҳим. — Асосан ўрикзор бўлади. Бошқа мевали дарахт ниҳолларини топишнинг иложи бўлмади. Насиб этса бир-икки йилдан кейин ёппасига ҳосилга киради.

Бригадирнинг айтишича, бу йил баҳорги шароит экиш учун қулай келди. Апрелнинг ўрталарида тупроқ етилиб, жамоа йигирманчидан чигит қадашга киришган. Дастлаб бу ишни ўзи бош бўлган ва Эсон Эсергапов звенолари бошлаб беришган. Олтита сеялка билан 387 гектар майдонга бир ҳафтада уруғ ерга ташланибди. Барча майдонларга 90 сантиметр кенгликда Ф-108 нав экилган. Гектарига ўртача 35 килограммдан уруғлик сарфланди. Мақсад — ҳар гектар ҳисобига 20,6 центнердан чўл хом ашёси етиштириш.

Йириклаштирилган бригадада 6 та пахтачилик звеноси бор. Ўтган йили 5 таси пахта тайёрлаш режасини бажарди. Фақат Сафар Болибеков бошлиқ звено топшириқни уддалай олмади. Бу йил унинг ўрнида Абдуғаффор Бектемиров етакчилик қилмоқда. Ҳозир ҳамма жамоаларда экинга ишлов бериш қизғин бораяпти. Чўлқуварлар дастлабки культивацияни 1 май куни бошлашган экан. У қисқа муддатларда тугалланди. Қатор ораларини илк бор юмшатиш — эътибор талаб юмуш. Чунки озгина эҳтиётсизлик ҳам кесакни кўчириб, ниҳолга шикаст етказиши мумкин. Буни 6 та культиватор тракторини бошқараётган механизаторларнинг ҳаммаси яхши билишади. Айниқса Эргаш Сирлибоев, Бадал Норқулов, Ҳусан Равшанов каби техника жиловдорларининг бу борада тажриба ва маҳоратлари катта.

Мамадиёрнинг ўзи бригададан ташқари 5-звенога бошлиқ. Жамоанинг 12 нафар аъзоси бор. Улар 73 гектар ерда ғўза ўстиришмоқда. Елкадаги юк оғир: гектаридан камида 22 центнердан хирмон кўтариш, давлатга 161 тонна оқ олтин етказиб бериш мўлжалланган.

— Йигирма гектарлик бу пайкал ўз звеномга қарайди, — давом этди Мамадиёр. — Биринчи культивацияни аммофос билан ўтказдик. Ҳар гектарига 300 килограммдан ўғит солинди. Кейинроқ азот бериб жўяк оламиз ва сув тараймиз. Очил Саманов, Холиқул Раҳимов, Бахтиёр Эшатов сингари миришкорларимиз ҳамма нарсани тахт қилиб қўйишган, майнинг охирида суғоришни бошлашади.

Шийпон орқасидаги пайкалга 20—30 метрча ичкариладик. Қаторлар текис, туплар беҳато. Ҳар бирида икки-учтадан чинбарг чиққан. Уларга қараб завқингиз келади. Жўяк майин юмшатилган. Ниҳоллар дуркун ва бақувват. Пуштанинг тупроғини очиб кўрамиз. Йирик кесак деярли йўқ. Бегона ўт кўзга ташланмайди. Майдонни Эргаш Сирлибоев культивация қилибди. Ҳадемай бу пайкалга иккинчи ишлов беришга киришилади. Чўл шароитида оз уруғлик сарфлаб, гектарларда кераклича кўчат олишнинг ўзи бўлмайди. Лекин звено аъзолари шунга эришишган.

Ортга қайтамиз. Энди бригадир бошқа жамоалардаги ишлар ҳақида гапириб берди. Эсон Эсергапов бошлиқ 2-звено заршунослари 83 гектар майдонда деҳқончилик қилишмоқда. Гектаридан 22 центнердан ҳосил олиб, эл хирмонига 183 тонна хом ашё топширишмоқчи. Дониёр Мамаюсупов бошлиқ 1-звено аъзолари эса 54 гектар ерга чигит қадашган. Улар ҳам ҳосилдорликни 22 центнердан оширишмоқчи. Таъкидлаш кераkки, бу икки жамоанинг экинзорлари бригададаги энг унумдор ерлар ҳисобланади. Бултур Д. Мамаюсупов звеноси ҳар гектар майдондан 26 центнердан пахта йиғиштириб олган. Режа оз белгиланган бўлса-да, жамоанинг мақсади ўтган йилги марраддан ўзиш. Шунингдек, бошқа звеноларда ҳам ғўза парвариши қизғин олиб борилмоқда.

Мамадиёр Нуралиев бошлиқ йириклаштирилган бригада ихтиёрига жами 602 гектар экин майдони берилган. Шундан 387 гектарида пахта етиштирилади. Айни пайтда қолган экинлар қарови ҳам уюшқоқлик билан ташкил этилмоқда. 41 гектар ерда янги, 82 гектарда эски беда, 25 гектарда ғалла, 9 гектарда пиёз, 6 гектарда помидор, шунингдек бодринг, ошқовоқлар серавж. Буларнинг ҳаммасидан юқори ҳосил олиш ният қилинган. Беданинг дастлабки ўрими қисқа муддатда ўтказилди. Сўнгра ўғитланиб, сув олинди. Айни пайтда ғалла суғорилмоқда.

Қўриқ Октябрь районидаги Файзулла Хўжаев номли давлат хўжалиги каналнинг охирги қулоғида жойлашган. Шу боисдан ҳар йили чўлқуварлар сув танқислигига дуч келишади. Бу йил мироблар обиҳаёт камлигини, тоғларда ёғин миқдори озлигини айтишиб, ҳозирдан сувни тортишаяпти. Шубҳасиз, бу бошқалар қатори М. Нуралиев бригадаси аъзолари ишида қийинчилик туғдирмоқда. Улар ғўзага сув олгунча бошқа экинларни қондириб бўлишни кўзлашаётир. Ҳар қатра обиҳаёт тежаб-тергаб ишлатилмоқда. Дашт шароитида экинларни, айниқса ғўзани ўз вақтида суғормаслик дарҳол ўз таъсирини кўрсатади. Чунки тупроқ шўр, бунинг устига қумлоқ. Саратонда озгина ташналик ҳам ҳосилни тўкиб юбориши мумкин. Умуман бу ерда экин-тикин бошқа жойларга қараганда камида 1—2 марта ортиқча сув ичиши керак.

Бригада механиги Абдукарим Нуралиев бир нарсани айтиб қолди. Бу йил кўкламнинг охири серёғин келганлиги зараркунанда ва касалликлар кенг тарқалишига сабаб бўлиши мумкин. Шунинг учун хўжаликнинг биолабораториясида олтинкўз ва бошқа фойдали ҳашаротлар кўпайтирилиб, пайкалларнинг четига қўйиб чиқилди. Бригадада ҳам, хўжаликда ҳам икки-уч йилдан бери фақат шу усул қўлланилмоқда.

Чўлқуварлар билан хайрлашиб, совхознинг марказий қўрғонига қайтар эканмиз, кенг далалар туташиб кетган Писталитоққа қарайман. Унинг гўзаллиги, дашт табиатининг меҳригиёси, бағри кенг, очиқ кўнгил одамлар мени бу ерга ҳамиша оҳанграбодек тортиб туришини ҳис этдим.

Э. ИБРОҲИМОВ,
«Қишлоқ ҳақиқати»нинг махсус мухбири.



СУРАТЛАРДА: 1. Бригада бошлиғи, Жиззах вилояти Кенгашининг депутати, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг совриндори Мамадиёр Нуралиев. 2. Ғўзага ишлов берилмоқда.

Е. БОТИРОВ олган суратлар.

ҲАР ТУП НИҲОЛ АРДОҚДА БЎЛСИН

Кейинги пайтларда кучли ёмғир, дўл ва қаттиқ шамол жумҳуриятимизнинг у ёки бу минтақасида экинзорларга, боғларга, токзорларга ва шахсий томорқаларга жиддий зарар етказмоқда. Мутахассислар ҳам, тажрибали деҳқонлар ҳам май ойи сўнгги марта қачон бу қадар серёғин, «инжиқ» келганлигини эслаша олмаяпти. Лекин обиҳавошунослар маълумотига кўра, 1978 йилда ва ундан илгари ҳам бундай аҳвол юз берган.

Бухоро ва Хоразм вилоятларининг баъзи районларида ёғин миқдори меъёридан 5—6 баравар ортиб кетди. Дўл ва ёмғир аралаш шамол селни келтириб чиқарди. Кўп ҳолларда ғўза, лавлаги, янги беда, сабзавот ва озуқа экинларини сув босди. Табиий офатдан айниқса Қўнғирот, Шуманай, Қизилтепа, Шофиркон, Жиззах, Ховос, Шаҳрисабз, Чортоқ, Тўрақўрғон, Ургут, Пайариқ, Жомбой, Риштон, Олтиариқ, Урганч, Янгиариқ, Шовот, Хива, Қўшкўпир, Боғот ва бошқа районларга катта зиён етди.

Умуман республика бўйича бугунга келиб кучли ёғингарчиликдан жами пахтазорларнинг 30 фоизгача қисми шикастланди. Бу майдонларнинг 10 фоизига қайтадан чигит қадалди. Яқин икки кунда яна 5 фоиз пайкалга уруғ экиб бўлинади.

Самарқанд ва Хоразм вилоятларида ғўза экилган майдонларнинг 70—90 фоизи зарарланди. Наманган, Бухоро вилоятлари ва Қорақалпоғистон хўжаликларида эса бу кўрсаткич жами пахтазорларнинг ярмидан зиёдини ташкил этади. Боғот районидаги Наримонов номли, Урганч районидаги «Комсомол», «СССР 50 йиллиги», Хонқа районидаги «Правда», Хива районидаги Фрунзе номли, «Партия XXII съезди», Янгиариқ районидаги «Коммунизм» жамоа хўжаликларида чигит ташланган майдонларнинг деярли ҳаммаси яксон бўлди. Қорақалпоғистон мухтор жумҳурияти, Бухоро ва Хоразм вилоятларининг деҳқонлари ҳозирга қадар 20—25 фоиз майдонга иккинчи марта чигит қадашди.

Қайта экиш айрим хўжаликларда яхши бормоқда. Хонқа, Боғот ва Хива районларида майнинг биринчи ва иккинчи ўн кунлигида бу 30—50 фоизни ташкил қилди. Янгиариқ районидаги «Коммунизм» жамоа хўжалигининг баъзи бригадаларида ноқулай об-ҳаво деҳқонларни ҳатто уч мартадан уруғ қадашга мажбур этди. Бир қанча пудратчи звенолар ҳали кўклам тугамасданоқ ўзларига ажратилган йиллик маблағнинг кўп қисмини ишлатиб қўйдилар. Шу боисдан жумҳурият Президентининг «Аҳолига ёрдам кўрсатиш ва табиий офат оқибатларини тугатиш тадбирлари тўғрисида» чиқарган фармони айни муддао бўлди. Унда кутилмаган кулфатдан етказилган зарарни давлат суғурта бошқаруви тўлашидан ташқари, аҳолига, ижарачиларга ва шахсий ёрдамчи хўжаликларнинг эгаларига республика ва маҳаллий бюджетлардан 300 сўм миқдорида пул нафақаси ажратилиши таъкидланган. Шунингдек, табиий офат яксон қилган ва ювиб кетган экинларни тиклаш мақсадида кераклича ўғит, уруғлик, ёқилғи-мойлаш материаллари, техника, эҳтиёт қисмлар ва бошқа зарур нарсаларни излаб топиш кўрсатилган.

Буларнинг ҳаммаси қишлоқ хўжалиги меҳнаткашларига рўй берган қийинчиликларни енгишда куч-ғайрат бахш этмоқда.

Қорақалпоғистондан ташқари кўпчилик вилоятларда бу пайтга келиб қайта экиш кўпдан бери ўтказилмаётганди. Айтиш керакки С—4727, Тошкент—6, Қирғистон—3, С—9070, «Юлдуз» каби тезпишар навларни тажрибага таянган ҳолда қулай муддатларда парваришлаш, азот билан озиқлантиришни ва суғоришни барвақт тугаллаш, жадал культивация билан биргаликда тез-тез суғориб туриш кечки экинларни эртагиларига етказиб олиш имконини беради.

Ҳозир мутахассислар ва бригадирларнинг вазифалари шундан иборатки, майдонларда қолган кўчатларни, ҳатто улар гектарида 40—50 минг тупдан зиёд бўлмаса ҳам, иложи борича асраб-авайлаб, яхши парваришлаб режада белгиланган миқдорда ҳосил тўплашни таъминлашлари керак. Бундай пайкалларни бузмасдан, қуёшда қуритилган ва ҳатто иссиқ сувда (60—70 даража) намланган уруғликни қайтадан экиш зарур. Қашқадарё вилоятида бу тажриба синаб кўрилиб, сўнгги икки-уч йилдан бери қатор хўжаликлар яхши натижаларга эришмоқдалар.

Бугунги кунда ишчи кучи ва техника воситаларини тўлиқ далага сафарбар этиш, улардан юксак самарали фойдаланиш, ҳар туп ниҳолни меҳр билан парваришлаш муҳимдир.

Шунингдек, илдиз қуртига қарши курашни сусайтирмаслик лозим. Ротацион мотига ёки культиваторларни пайкалга киритиш мумкин бўлмаган шароитларда зараркунандага қарши қўлда курашиш керак. Хоразм вилоятининг кўпчилик хўжаликларида шундай қилинади. Шунда экин илдизига кўпроқ ҳарорат ва иссиқлик етиб боради. Сўнгра қатор ораларига ишлов бериш ва озиқлантириш вақтида амалга оширилса бўлғуси ҳосил пойдевори мустаҳкам бўлади.

Р. НАЗАРОВ,
Ўзбекистон ССЖ Қишлоқ хўжалиги вазирлиги пахтачилик бошқармасининг бошлиғи.

ТАЪЗИЯ БИЛДИРИЛДИ

Ҳиндистон жумҳуриятининг Тошкентдаги бош консулхонаси мотам либосида, Ҳиндистон давлат байроғи эгиб қўйилган.

Ўзбекистон ССР вице-президенти Ш. Р. Мирсаидов атоқли давлат ва сиёсат арбоби, Ҳиндистон жумҳуриятининг собиқ бош вазири, Ҳиндистон миллий конгресси (И) партиясининг раиси Ражив Гандининг фожиали ҳалокати муносабати билан таъзия билдириш учун 23 май куни бош консулхонага келди. У таъзия китобига ҳамдардлик сўзларини ёзиб қўйди.

Ш. Р. Мирсаидов Ҳиндистон жумҳуриятининг Тошкентдаги бош консули А. К. Мукержи билан суҳбатда Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримов номидан, жумҳурият халқи номидан Ҳиндистон халқига таъзия изҳор қилди. Ўзбекистон билан Ҳиндистон ўртасидаги дўстона алоқалар ривожланишида ижобий жараёнлар Ражив Ганди номи билан боғлиқлиги таъкидланди.

Суҳбатда Ўзбекистон ССР Президентлик Кенгашининг аъзоси, жумҳурият ташқи ишлар вазири С. О. Азимов қатнашди.

(ЎзТАГ).

БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТ НИМАГА ҚОДИР?

КПСС Марказий Комитети ва Марказий назорат комиссиясининг қўшма пленуми материаллари матбуотда эълон қилинган кун район партия комитети аъзоси, моҳир чорвадор Ҳилбуви Тошева ҳузуримга кириб келди.

— Мазкур анжуман олдингиларидан тубдан фарқ қилади, — деди у тўғридан-тўғри мақсадга кўчиб. — Нотиқлар мамлакатни танг аҳволдан олиб чиқиш учун партия ва давлатимиз томонидан амалга оширилаётган ишларга ўта талабчанлик билан баҳо бердилар. Эътирозлар, танқидий фикр-мулоҳазалар ҳеч қачон бунчалик қатъий қилиб қўйилмаганди. Пленум ҳужжатларини ҳар бир қалбга чуқур сингдириш керак.

Шу куни 40 нафар тарғиботчи, бошқарув аъзолари ҳал қилувчи бўғинларда жонли суҳбатлар ўтказдилар. Қувончлиси шуки, сувчилар, механизаторлар, соҳибкорлар муаммоларни ҳал этиш, иқтисодиётни юксалтириш, мўл-кўл деҳқончилик ҳамда чорвачилик маҳсулотлари етиштиришга қаратилган қимматли таклифларни ўртага ташладилар. Айниқса, техника ихлосманди Шавкат Толлибоевнинг фикрлари кўпчиликка маъқул бўлди.

Ҳозирги мураккаб шароитда энг муҳими ҳамжихатлик, мустаҳкам интизом, ташаббускорликдир. Хўш, хўжалигимиз коммунистлари, меҳнаткашлари қандай қилиб барча соҳани бирдек ривожлантиришга эришишаяпти? Жавоби тайин: колхоз партия комитети коммунистлар орқали партиявий йўлни изчил ўтказмоқда. Ҳал қилувчи бўғинлар ишбилармон кишилар ҳисобига мустаҳкамланди. Ўзаро талабчанлик, ҳамжиҳатлик муҳити мустаҳкам қарор топмоқда. Лоқайдликка, бўшашувчанликка йўл қўяётганлар фаолиятига муносиб баҳо бериляпти. Омма умуммақсад сари бирдек сафарбар этилган. Энди гап оммавий-сиёсий, ғоявий-тарбиявий ишларни жонлантириб, ижро интизомини мустаҳкамлашда қолган.

Шу куни жуда кўп кишилар билан дилдан суҳбатлашдим. Ҳаёт қайнаган жойда бўлишнинг аҳамиятини яна бир карра ҳис қилдим. Тадбирларнинг шарофати туфайли ҳамма бир тану бир жон бўлиб меҳнат қилмоқда. Майда гап-сўзлар, ичбо ва бўҳтонлар илдизига болта урилган. Колхозчи ўз ерининг чинакам соҳибига айланган. Бир воқеа сира ёдимдан чиқмайди. Колхоз бошқаруви раиси этиб сайланган куним 1-бригада шийпонида бўлишга тўғри келди. Хўжалик иқтисодиёти ўрта ҳол, одамларда иштиёқ йўқ. Бирон киши очиқ чеҳра билан сўзламайди. Охири 70 ёшли бир отахондан маслаҳат сўрадим.

— Қуруқ ваъдалар, баландпарвоз сўзлар жонга тегди, — деди ота. — Ҳамёнда ҳемири бўлмаганидан кейин қўшиқ ёқармиди? Маслаҳатим — хонадонларни бирма-бир айлан. Турмуш кечириш учун зарур бўлган нарсаларни олишда ёрдамлаш. Айниқса, ун доимий бўлиши жуда муҳим.

Ҳар бир хўжаликнинг суянган тоғлари бўлади. Ана шундай одамлар ҳақида мен ҳамиша яйраб гапираман. Турсун Елғошев номи районимизга ёйилган. Ҳаётнинг аччиқ-чучугини татиган бу тинчимас қалб соҳиби чинакам пахта устасидир. У етакчилик қилаётган бригада оғир шароитда иш юритади. Бироқ коммунист Елғошев ҳар қандай пайтда ҳам саросимага тушмайди, ишнинг қаловини топади. Ички имкониятларни омилкорлик билан жорий этади. Техникани қадрлашда унинг олдига тушадигани кам. Айни пайтда ноҳақликни, ўринсиз мақташларни ёқтирмайди. Қачон қараманг сувчи ёки механизатор ёнида кўрасиз. Шу боис ўтган йили Елғошев бошлиқ бригада ўн бир ишкунида йиллик режани бажарди. Ҳосилдорлик бир йилда қарийб 10 центнерга

Коммунист мактуби

Бошқарув аъзолари, касаба уюшмаси комитети раиси билан аниқ тадбир асосида ҳаракат қилдик. Хўжалик ҳисобидан кўпчиликка моддий ёрдам кўрсатилди. Қўлимиз калталик қилганида ширин сўзимиз билан одамларга руҳ ва мадад бағишладик. Қийинчиликларни, бор-йўғимизни халққа очиқ айтдик. Бизни тушунишди. Дастлабки йили табиат инжиқликлари туфайли қўшимча қийинчиликлар юзага келди. Ўшанда бошланғич партия ташкилоти нималарга қодир эканлиги яққол намоён бўлди. 123 нафар КПСС аъзоси ишнинг жиловини қўлга олди. Илғор тажрибалар, фан ютуқлари амалиётга дадил жорий этилди. Ҳар бригадада темир интизом ўрнатилди. Агротехник тадбирлар вақтида, оби-тобида ўтказилди. Натижада кузни ёруғ юз билан якунладик.

Ўтган йили пахтачилик ва бошқа соҳаларни ривожлантиришда илдам қадамлар қўйилди. Ҳар гектар ердан белгиланганидан 5 центнер кўп оқ олтин йиғиштириб олинди. Колхоз биринчи маротаба 4,5 миллион сўм рофида даромад қилди.

ошди. Айни кунларда мазкур жамоа далаларида бўлган киши барқ уриб ўсаётган ниҳолларни кўриб қувонади. Азаматлар чигит экишни биринчилар қаторида тугаллашганди. Эндиликда қўлни қўлга бериб, қатқалоққа қарши курашишмоқда.

Коммунист Содиқ Гадоев фаолияти ҳақида тўхталарканман, бир воқеа сира эсимдан чиқмайди. Ўтган йили кучли ёмғир туфайли ниҳоллар ерпарчин бўлди. Кўпчилик 5-бригада режани бажаролмайди, деган қатъий қарорга келганди. Содиқ Гадоев билан олдинма-кетин шийпонга етиб бордик. Ҳатто тажрибали деҳқонлар ҳам саросимага тушиб, ниҳолларга маъюс тикилиб туришарди. Кўпни кўрган бригадир вазиятни дарров баҳолай олди:

— Азизлар, очиғи сизларни биринчи маротаба кўриб тургандайман, — деди у вазмин оҳангда. — Ахир бундай оғир дамларни энди бошдан кечираяпмизми? Сиздек асл деҳқонлар бор экан, барибир мақсадга эришамиз. Фақат интизомга қатъий риоя қилган ҳолда қаттиқ меҳнат қилишимиз керак.

Қўшни бригадалардан сувчи ва механизаторлар ёрдамга келишди. Ҳар бир ниҳол қалб қўри, меҳр зиёси билан парваришланди. 5 гектар ерга чигит қайта экилди. Маҳаллий ўғитга зўр берилди. Ҳамжиҳатлик, омилкорлик туфайли қисқа вақт ичида ташвишли ҳол бартараф этилди. Кузда 5-бригада биринчилар қаторида ғалаба рапортига имзо чекканида колхозимизда чинакам тўй бўлиб кетди. Кўп йиллик тажрибага асосан қуйидагиларни такрорлайман: бизнинг ишимизда энг муҳими омилкорлик, ҳамма ўз ишини аъло даражада билиб бажаришдир. Хурсандчилигим шуки, ҳамиша яхши одамлар билан ишлаш насиб этаяпти. Юқорида номлари қайд этилган уста заршуносларнинг ҳам ўрганиб, ҳам ўргатиб ютуқларни мустаҳкамлаб боряпмиз. Сидқидил тер тўккан эса ҳеч қачон кам бўлмайди. 1990 йилда колхозчининг чўнтаги пулга ёлчиди. Мусобақа илғорлари модний ва маънавий жиҳатдан рағбатлантирилдилар. Тажрибали бригада бошлиқлари Т. Елғошев «Урал» мотоцикли, С. Гадоев эса пул мукофоти билан тақдирланди. Меҳнат унумдорлигини ошириш, сифатли маҳсулот топширишда ҳам хўжалик районда етакчи ўринларни эгаллади. Райком, райижроқўм бизга енгил автомашина ажратди. У ажойиб механизатор Ш. Толлибоевга насиб этди.

Бизда партия йиғилишлари зўр уюшқоқлик, талабчанлик вазиятида ўтади. Коммунистлар раҳбару мутахассислар олдига қатъий талаблар қўядилар. Қимматли таклифларни илгари сурадилар. Жумладан, очиқ партия йиғилишларидан бирида 8 нафар бригадада бошлиғи пудрат усулини жорий қилишни қатъий туриб ёқлади. Колхоз бошқаруви, партия комитети коммунистлар таклифи асосида махсус тадбирлар белгилади. Тарғиботчилар меҳнаткашларга пудратнинг иқтисодий ва тарбиявий аҳамиятини синчиклаб тушунтиришди. Натижа биз кутгандан ҳам яхши бўлди. Илғор усул сансалорликка, ўзибўларчиликка барҳам берди. Деҳқон эмин-эркин ҳаракат қила бошлади. Ерга бўлган муносабат тубдан ўзгарди. Пахта яккаҳокимлиги тугатилди. Янги боғ-роғлар, экинзорлар барпо этилди. Узум ва мева етиштиришни сезиларли даражада ошириш пайида бўлаяпмиз. Коммунистлар тадбиркорлиги ва ташаббускорлигини кучайтириш, қисталанг дамларда оммани тўла сафарбар қилишда партком котиби А. Ҳасановнинг ташкилотчилиги муҳим омил бўляпти.

Ижтимоий соҳа муаммолари бирин-кетин ҳал этилмоқда. Янги амбулатория қурилди, 36 километр йўл асфальтланди, 90 фоиз хонадонлар газлаштирилган. Аҳоли ичимлик суви билан тўла таъминланган. Яқинда иккита жувоз ва битта тегирмонни ишга туширдик. Меҳнат ветеранларининг ташаббуси билан яна бир хайрли ишга қўл урдик. Улуғ Ватан урушида қаҳрамонларча ҳалок бўлган марди майдонлар хотирасига бағишлаб ёдгорлик хиёбони ташкил этилди. Колхоз бошқаруви, партия, касаба уюшмаси қўмиталари фахримиз, суянган тоғларимиз бўлмиш ветеранларимизга алоҳида ғамхўрликлар кўрсатмоқда.

Чорвачилик бизни ғоят ташвишлантириб келарди. Ишнинг олдинга босиши жуда қийин кўчди. Озуқа базасини мустаҳкамлаш учун икки йил қаттиқ меҳнат қилдик. Моллар зоти яхшиланди. Чорвадорларнинг унумли меҳнат қилиб, кўнгилли ҳордиқ чиқаришлари учун шароит муҳайё этилди. Зарбдор тармоқни оёққа қўйишда коммунистлар Ш. Ботирова, Ҳ. Тошева, А. Жабборов, И. Худойбердиев жонбозлик кўрсатдилар. Бултур 56 та чўчқа сотиб олгандик. Ҳозир уларнинг сони 300 дан ошди. Сигир соғувчилар натижаларини ой сайин яхшилаб боришаяпти. Ҳар говмишдан 10—11 килограммдан маҳсулот олинмоқда. Биринчи кварталда давлатга гўшт, сут топшириш режаси ортиғи билан адо этилди.

Кетма-кет ёғингарчилик, сел оқибатида деҳқонларимиз мушкул аҳволда қолишди. Аммо бу гал ҳам коммунистлар бошчилигида барча ёнма-ён, елкама-елка туриб курашмоқда. Табиий офатга матонат, омилкорлик қарши қўйилмоқда. Ҳар бир ниҳол эътиборда. Баъзи кунлари заршунослар шийпонда тунаб, далада жонбозлик кўрсатишмоқда. Мана шундай фидойи, пахтапарвар кишилар бор экан, қийинчиликлар мардонавор енгиб ўтилади.

Э. АҲАДОВ,
Пайариқ районидаги «Партия XXII съезди» жамоа хўжалиги бошқаруви раиси, Самарқанд вилоят партия комитети аъзоси.

Ўзбекистон ССЖ Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг қарори

АҲОЛИГА ИМТИЁЗЛИ НАРХЛАРДА ХОНАТЛАС СОТИШ НОРМАСИ ВА ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА

Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Миллий хусусиятлар ва анъаналарга асосланиб, шунингдек «Хонатлас» газламаси ресурсларини ҳисобга олиб, Ўзбекистон ССЖ Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг 1991 йил 12 апрелдаги 97-сон қарорига мувофиқ хонатласни имтиёзли нархларда меъёрида сотиш тартиби ниҳоятда ўтаётган кишиларга дахл қилади, белгиланган чакана нархдан 50 фоиз чегирма ташлаб, ҳар бир оилага саккиз погон метр ҳисобидан берилади, деб белгилаб қўйилсин.

2. Ўзбекистон ССЖ Савдо вазирлиги, Ўзбекбирлашув:

никоҳдан ўтаётган кишилар фуқаролик ҳолати ҳужжатларини рўйхатдан ўтказиш бўлимлари, халқ депутатлари қишлоқ (овул), посёлка Советлари ижроия комитетлари берадиган маълумотномани тақдим этганларидагина уларга имтиёзли нархларда хонатлас сотсинлар.

Ўзбекистон ССЖ Иқтисод комитети, Ўзбекистон ССЖ Молия вазирлиги, Ўзбекистон ССЖ Давлат нарх комитети билан биргаликда имтиёзли нархларда хонатлас сотиш ва белгиланган чакана нарх билан имтиёзли нарх ўртасидаги фарқни савдо ташкилотларига жумҳурият бюджетидан тўлаш тўғрисидаги қоидани уч кунлик муддат ичида ишлаб чиқсинлар.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1991 йил 22 май.

БЕҲАЛОВАТ ИХТИРОЧИ

Мирзачўлдаги «Советская Россия» давлат хўжалигининг меҳнаткашлари лавлаги экилган 24 гектар ердаги экинни яганалашни одатдагидан икки баравар тезроқ — атиги уч кун ичида ўтказдилар. Улар район ёш техниклар станциясининг директори Ф. Р. Брим яратган агрегат ёрдамида бунга муваффақ бўлдилар.

Франц Робертовичнинг кўнгилаланг роторли тўрт қаторли яганалаш машинасидан фойдаланиш, жуда жўн бўлиб, рама, иккита ғилдирак ва тишлар пайвандланган тўртта ротордан иборат. У яганалашдан ташқари тупроқнинг қатқалоғини юмшатади, бегона ўтларни юлиб ташлайди. Бу агрегат чопиқ қилиш ва ўтоқда йигирма кишининг ўрнини босиши мумкин.

Райондаги янгиликни синаб кўрган учта давлат хўжалиги меҳнатчилари шундай хулосага келдилар. Район деҳқончилик-саноат уюшмасининг мутахассислари бу машинани юксак баҳолаб, маккажўхорикорлар ва пахтакорларга ҳам ундан фойдаланишни тавсия этдилар. Хуллас, ихтирога талаб бор, келаси йилгача ихтирочи шундай агрегатлар ишлаб чиқарадиган кичик корхона очиш ниятида.

Яганалаш машинаси — Бримнинг ягона ихтироси эмас. У пахта культиватори ҳам яратиб, деҳқонларнинг юқори баҳоларига сазовор бўлган эди. Унинг заводда ишлаб чиқарилган шундай культиваторлардан фарқи шундаки, ғўза илдизи атрофидаги ҳимоя чизиғини 3—3,5 сантиметргача торайтириб, шу тариқа бу ерда ўсаётган бегона ўтларни икки баравар камайтиради. Бримнинг тажриба намунаси асосида «Чирчиксельмаш» заводида ҳозирнинг ўзидаёқ бир туркум шундай культиватор тайёрлаб, буюртмачиларга жўнатилди.

Франц Робертовичнинг олтмишни қоралаб қолган. Техник ижодиётга у болалигидан қизиқади, бутун умри давомида нималардир ясаган, нималарнидир такомиллаштиради. Кейинги ўн беш йил мобайнида район ёш техниклар станциясига раҳбарлик қилиб келаяпти, болаларни ижодий фикрлашга ўргатяпти, уларда касб қўникмаларини ривожлантираяпти.

А. ҚУЛБОЕВ,
ЎзТАГ мухбири.

ОФАТ ЮЗ БЕРГАН ЖОЙДА

Фарғона

Вилоятнинг амалда барча жойларида кучли ёмғир ёғиб, қишлоқ хўжалигига катта зарар етказди. Бунда айниқса тоғли районларга кўп шикаст етди.

Табиий офат натижасида минглаб гектар пахтазор, ғаллазор, озуқа экинлари ва сабзавотлар экилган майдонга зарар етди. Бу майдонларнинг кўпчилигида экинларни қайта экиш зарур бўлади. Дастлабки маълумотларга кўра, бўлажак ҳосилнинг 11—12 миллион сўмликдан кўпроғи нобуд бўлди.

Лекин қишлоқ хўжалик экинларини ҳали сақлаб қолиш мумкин бўлган жойларда одамлар дарҳол ишга киришдилар. Улар тупроқни юмшатишяпти, ўғитлашяпти. Чунки ўғитнинг аксарият қисмини ёмғир ювиб кетган. Вилоятнинг бошқа ташкилотлари ходимлари деҳқонларга ёрдамга келишяпти.

Хоразм

Табиий офат Хоразм вилоятига бир неча ўн миллион сўмлик зарар етказди деб баҳоланмоқда. Қарийб 50 минг гектар ердаги униб чиққан чигит зарарланди. Бу вилоятдаги чигит экилган майдоннинг деярли ярмидир. 15 минг гектар ердаги чигитни қайта экишга тўғри келади.

Пиллачилар ҳам зарар кўрдилар. Кўпгина жойларда ипак қурти боқишнинг энг масъулиятли даврида бинолардан чакка ўтиб, пилла қуртларини нобуд қилди. Чорвадорлар ҳам оғир аҳволда қолдилар. Масалан, Ҳазорасп районидаги Ленин номли давлат хўжалигида кучли дўл ёғиши натижасида яқиндагина жуни олинган юзга яқин қўй ва эчки нобуд бўлди. Бошқа айрим хўжаликларда ҳам мол-ҳоллар нобуд бўлгани қайд этилди.

Табиат зарбаси оқибатларини тезда тугатиш учун вилоят деҳқонларига республика фондидан қўшимча равишда 5 минг тонна дизель ёнилғиси, культиваторлар ва экиш агрегатлари учун эҳтиёт қисмлар, пахта эрта пишар навларининг етарли миқдордаги уруғлиги ажратилди.

Бироқ об-ҳаво ноқулайликлари иш суръатларини орқага суряпти: ёмғир деярли тўхтовсиз ёғяпти, баъзан жала қуйяпти.

Тошкент

Республика пойтахти ва унинг атрофидаги районлар узоқ вақтгача республиканинг ёғингарчиликлар четлаб ўтган камдан-кам жойларидан бири бўлиб келди. Мана ниҳоят, 21 май куни Тошкентда ва пойтахт вилоятида дўл аралаш кучли ёмғир ёғди. Шу куни бу ерда республика бўйича энг кўп ёмғир ёққанлиги кузатилди.

Тўғри, энг «кучли» қора булутлар маълум бир йўналишда ҳаракатланди ва шаҳарнинг турли қисмида ёмғир ва дўл турлича куч билан ёғди. Агар марказий районларда ёмғир 18 миллиметр ёққан бўлса, Юнусободдаги «Бўзсув» метеопостида унинг даражаси 34 миллиметр бўлганлиги қайд этилди. Шаҳарда бир ой давомида ёғиши керак бўлган ёмғир атиги бир ярим соат ичида ёғиб бўлди.

Тошкент вилоятининг бир қанча районларида ҳам, айниқса тоғларда жала қуйгани қайд этилди. Чунончи, Чимён тоғ тизмасида қисқа вақт ичида 23 миллиметр ёмғир ёғди. Бироқ гидрометеорологлар ва сувчиларнинг махсус постлари сел келганини кузатмадилар.

Қишлоқ хўжалиги экинзорларига жиддий зарар етгани тўғрисида хабарлар келгани йўқ. Фақат Бекобод зонаси мутахассисларни жиддий ташвишлантирмоқда. Бу ерда ер сатҳига яқин жойлашган ер ости сувлари кўтарилиб, далаларни сув босиши мумкин.

* * *

Синоптикларнинг тахминларига кўра, республикада 26 майга қадар об-ҳаво беқарор бўлиб туради. Табиат одамларга тахминан икки кеча-кундуз дам беради — ҳеч қаерда бутунлай ёмғир ёғмайди ёки бирозгина ёғиб ўтади. Бироқ ҳафта охирига бориб яна кучли ёмғирлар ёғиши мумкин. Чунончи энди кучли ёмғирлар жанубда — Сурхондарё ва Қашқадарёда, шунингдек Ўзбекистоннинг марказий қисмида ёғиши кутиляпти.

(ЎзТАГ).

ИҚТИСОДИЁТ ЖАБҲАСИДА

Жумҳуриятимизда биринчи ташкил топган Ўзбекистон тижорат банки қиймати минг сўм, 3 минг, 5 минг, 10 минг, 50 минг ва 100 минг сўмлик акцияларни сотишга тайёр. Жумҳуриятимиздаги ўттиздан ортиқ йирик саноат корхоналари Ўзбекистон тижорат банкининг акционерларидир. Улардан ташқари кооперативлар ва хусусий шахслар акцияларни сотиб олишлари мумкин.

— Иттифоқ ва жумҳурият қонунларида рўй берган демократик ўзгаришлар фаолиятимизга ижобий таъсир қилди, — дейди банк директори Юрий Гордеев. — Чунки эндиликда хорижий кампаниялар ва айрим ишбилармонлар ҳам акцияларни сотиб олишлари мумкин. Бу эса мустаҳкам, амалий ташқи иқтисодий ҳамкорлик қилиш учун кафолатдир.

Акционерлар камида 6 фоиз миқдорида йиллик фойда оладилар. Бундан ташқари, ЎзИНбанк қимматбаҳо қоғозларининг эгаларига турли имтиёзлар: воситачилик операциялари юзасидан камроқ фойда тўлаш, фойдали шартлар билан қарзлар бериш, ахборот материаллари билан таъминлаш каби имтиёзлар берилишига кафил бўлади.

●

Германиянинг бирлашиши, собиқ Германия Демократик жумҳурияти корхоналарининг бозор иқтисодиётига ўтиши йирик «Мансфельд» кон-металлургия корхонасига қаттиқ зарба берди. Бу ерда минглаб ишчилар қисқартирилди, корхона ишлаб чиқаришининг йўналиши ўзгартирилди. Мана яқинда «Мансфельд» акционерлик жамиятининг вакиллари яна Олмалиққа келдилар.

Улар ўз сафарлари чоғида Олмалиқ кон-металлургия комбинати жамоаси билан амалий алоқаларни давом эттиришни олдиларига мақсад қилиб қўйган эдилар. Бу алоқалар неча ўн йиллардан бери давом этиб келаётганди. «Мансфельд» акционерлик жамияти бош директорининг маслаҳатчиси Вальтер Клеттеннинг фикрига қараганда, Олмалиқ кон-металлургия комбинати жамоаси билан биргаликда ишлаш учун яхши имконият бор. Бу биринчи навбатда икки томон учун фойдали бўлган рангли металларни биргаликда ишлаб чиқаришга тегишлидир. Чунки олмалиқликлар ғарб илғор технологиясига йўл очадилар, ўз маҳсулотлари билан Ғарбий Европа бозорига чиқишлари мумкин бўлади.

●

Сурхондарё темирйўлчилари олдига эртанги сабзавот маҳсулотларини кечикмай ташиб бериш вазифаси қўйилган. Вилоят жумҳуриятимизда биринчи бўлиб эртанги сабзавот маҳсулотларини йиғиштириб, жўната бошлайди. Бу маҳсулотлар истеъмолчиларга қанчалик тез етказиб берилиши транспортчиларга жуда ҳам боғлиқдир.

Ҳозир жумҳуриятимизнинг энг жанубий вилоятида оммавий юк ташиш ишларига катта тайёргарлик кўрилмоқда. Бу ишни май ойида бошлаш режалаштирилмоқда. Эртанги карамни вагонларга ортиш учун келтириладиган темир йўл станциялари ва разъездларида ҳозирдаёқ 259 та рефрижератор бўлмаси тайёрлаб қўйилди. Уларнинг ҳар бирига тўрттадан вагон киради. Нушаҳар, Сариосиё, Хайробод станцияларида бундай рефрижераторлар айниқса кўп тўплаб қўйилди. Учқизил станциясида рефрижераторларни тайёрлаш пунктида ишлар жадал бормоқда. Ўтган йили темирйўлчилар эртанги сабзавотларни муваффақиятли ташиб берган эдилар. Бу мавсумда ҳам улар янада яхшироқ ишлашга ҳаракат қиладилар.

●

Ишлаб чиқариш кооперативлари ва кичик корхоналар Андижон шаҳар уюшмаси вилоят маркази мактаб ўқувчилари учун ҳар ойда йигирма сўмдан йигирмата стипендия таъсис этди. Бундан ташқари кооператорлар болалар уйлари, интернат мактабларда тарбияланаётганларга, кам таъминланган оилаларнинг болаларига кийим-кечак, мактаб формаси, чойшаб, ёстиқ жилдларини мунтазам равишда текинга беришмоқда.

— Уюшмамизга деярли 300 та кооператив ва кичик корхоналар аъзо бўлган, — дейди унинг президенти М. Алимов. — Ўтган йили уларнинг кўпчилиги оталиқдаги мактабларга, болалар боғчалари, касалхоналарга мунтазам равишда моддий ёрдам кўрсатишди, биноларини текинга ремонт қилиб беришди. Кооператорлар бу йил ҳам бинокорлик материалларининг нархи ошганига қарамай, шу иш билан шуғулланадилар.

Замон ўзгараяпти. Бир вақтлар ўз қўлимиз билан йўқ қилган нарсаларга бугун эҳтиёж сезмоқдамиз. Шу боис Жомбой районидаги «Октябрь» жамоа хўжалигида халқ ҳунармандчилиги ривожланмоқда. Бу аҳолини иш билан таъминлашда ҳам қўл келаётир.

Куни кеча хўжаликда кичик корхона ишга тушди. Бу ерда қорақум, цемент ва рангли бўёқлардан плиткалар тайёрлаш йўлга қўйилди.

— Ҳозирча уч киши ҳар куни 20 квадрат метр маҳсулот ишлаб чиқараяпмиз, — дейди бош уста Алишер Жўраев.— Май ойи охирида бу кўрсаткични 100 квадрат метрга етказамиз.

Шунингдек, жамоада икки йилдан буён мойжувоз ҳам ишлаб турибди. Бекназар Собиров кунига 25—30 килограмм зиғир ёғи чиқариб, ҳамқишлоқларига етказиб беравётир.

СУРАТЛАРДА: 1. Жувозкаш Б. Собиров. 2. Уста А. Жўраев.

Т. ДАВЛАТОВ олган суратлар.

Ишончни оқлаш фарз

ЯХШИ РАҲБАР— ЧИН ПАДАР

Элу юрт тўкинчилиги йўлида сидқидил меҳнат қилган кишиларни халқимиз ҳамиша ардоқлаган, Зукко раҳбар ёки ўз касбининг билимдонларини одатда исм-шарифларини эмас, уларни ота, уста деб чақиришади. Бунда оддий бир самимийлик ва ҳурматни англаш қийин эмас.

Қўқон шаҳрининг шундайгина биқинида Ингичка қишлоғи жойлашган. Бу сўлим ва обод маскан ҳудудидаги 91-хўжаликлараро механизациялашган кўчма колонна ишидан бугун кўпчилик мамнун. Ингичка ва қўшни қишлоқлар аҳолиси корхона етакчиси, район Советининг депутати, коммунист Саъдулла Турсуновни бежиз элига қайишадиганлар сирасига киритмайдилар. У корхонага 1984 йилнинг апрель ойида раҳбар этиб тайинланганди. Ўшанда хўжалик турли ташкилотлардан қарзга ботган эди. Коммунист раҳбар ўз фаолиятини ишчилар кўнглига йўл топишдан, режаларни «ҳаво»дан эмас, мавжуд имкониятларга асосланиб тузишдан бошлади. Тартиб-интизом ва аниқ ҳисоб-китобга эътибор берилди. Илгарилари автокорхоналардан буюртма асосида фойдаланилаётган юк машиналари учун кунига 70 сўм, қажавалиларга 120, тракторларга 15 сўм тўланарди. Бунда киримдан кўра чиқим кўпаярди. Қисқа муддат ичида 6 та юк машинаси, 26 та трактор сотиб олинди.

Ишчиларга етарли шарт-шароит яратиш борасида талай ишлар қилинди. Тежалган маблағ эвазига маданий-маиший буюмлар сотиб олинди. Иқтисодий иш усули — қўл меҳнати енгиллашди. Бир сўз билан айтганда, ишбилармон раҳбар корхона имкониятлари кўплигини исбот этди. Тез орада кўчма колонна билан бошқа корхоналар ўртасида шартномалар имзоланди. Жумладан, Италиянинг «Совин» ҳамда Ленинграднинг «Позитрон» ишлаб чиқариш бирлашмалари раҳбарлари ана шундай ташаббус билан чиқдилар. Бу эса меҳнаткашларга қўл келди.

Айни кунларда жамоанинг 268 қурувчиси 30 дан зиёд қад ростлаётган биноларда сидқидилдан ишлаётир. Бригада бошлиқларидан А. Набижонов, Т. Усмонов, Ю. Холматов, дурадгор-усталар Б. Қамбаров, А. Бекмуҳамедов, сувоқчилар У. Акбаров, С. Ҳусанов кабилар корхонанинг фахридирлар.

Ғафур Ғулом номли колхозда қурилаётган 624 ўринли мактаб болалар боғчаси яқин кунларда жажжи ўғилқизларни оғушига олади. Йилига 3 миллион донагача ғишт чиқарадиган завод ҳам колоннадагилар меҳнати туфайли дастлабки маҳсулотини бера бошлади. Бу ўз ўрнида қурилиш маҳсулоти тақчиллигига бўлган талабни қондирибгина қолмасдан, қўшимча 60—70 кишини иш билан таъминлади.

Яйпанда 16 оила яқин кунларда янги уй калитини олади. Қўқон нефть техникуми спорт саройи, Ўзбекистон район «Тез ёрдам» комплекс станцияси ҳам жадаллик билан қурилаётир. Аммо «нур борки, соя бор», деганларидек, корхонанинг ўзига яраша муаммолари кўп.

— Техника ва механизмлар ҳали мукаммал эмас,— дейди С. Турсунов. —. Қурилиш материаллари: ёғоч, цемент, шифер тақчиллиги бу ерда ҳам сезилаётир. Қувасой ғишт заводи таъминотда сусткашликка йўл қўймоқда. Оқибатда аҳоли норози бўлаётир. Тақчиллик сабаб айрим участкаларда иш суръати ва сифати бузилмоқда. Яқинда Яйпан шаҳрида топширилган бир биномиздан талай камчиликлар топилди. Гарчи етказилган зарар айбдорлардан ундирилган бўлса-да, бу корхона обрўсига путур етказди. Бироқ топширган ишимизнинг 98 фоизи давлат Сифат комиссияси томонидан ижобий баҳоланмоқда.

Умуман 91-хўжаликлараро механизациялашган кўчма колонна қурувчилари ўз касбларидан мамнун. Уларнинг ўз раҳбарига ихлослари баланд. Сайловчилар ҳам ўз депутатларидан нолиганлари йўқ. У имконияти даражасида уларга хизмат қилаётир.

Куни кеча корхонанинг ёрдамчи хўжалигидан арзон баҳода сотилган 45 бош қорамол, 2 мингдан зиёд парранда қурувчиларни севинтирди. Қурувчилар қўшимча мукофот олишаётир.

Наврўзи айём арафасида корхона ўз ҳисобидан танқис моллар учун қурувчиларга 55 минг сўм ажратди. Раҳбарнинг ташкилотчилиги ва ташаббуси билан шу куни яна бир эзгуликка йўл очилди. Ғафур Ғулом номли қолхоз ҳудудида 3,5 гектарлик боққа асос солинди. Муҳими, одамлар унинг ширин-шакар мевалар беришига ишонишмоқда.

С. ҲАЙДАРОВ,
«Қишлоқ ҳақиқати» мухбири.

Мўътабар замин заҳматкашлари

ҚИРДАГИ ГУЛШАН

Умр гоҳ зулмату нурларда оқди,
Гоҳ Аму, гоҳида Сирларда оқди,
Пешона терларим қирларда оқди,
Сен қачон туғилдинг, Асака боғи!

Эсимни танигандан буён Асака билан Андижонни туташтирган йўлдан ўтаману бирор марта адирнинг тескай томонига бурилмабман. Баъзан назар ташлаб қўярдим. Онда-сонда кўкаламзор, дўппайган дарахтзордан бошқа нарса кўзимга чалинмасди. У ёқда «Ўзбекистон Компартияси XX съезди» боғдорчилик давлат хўжалиги борлигини билардим. Тик қирларда ястанган гулшан — боғларга рўбарў бўлдиму Андижонни батафсил билмаслигимдан ўкиниб кетдим.

Директор Тилаволди ака билан саломлашгач, мақсадга кўчдим. У киши бироз ўйланиб турди-да:

— Минг марта эшитгандан бир бора кўрган афзал, дейишади. Келинг, қирларни айланиб чиқайлик. Жуда баҳаво. Қолган гапларни йўл-йўлакай гаплашаверамиз, — деди.

Хўжалик идораси мўъжазгина боғ ўртасида жойлашган. Шамол енгил эсиб турибди. Ўнг томондаги қиялик ўрикзор. Чапдаги сайхонликда эса қўл жимирлайди. Машинада тобора юқорилаб бораяпмиз. Ўркач-ўркач адирларнинг кунгай томонида олмазор, тескай ёғида ёнғоқзор. Иккинчисининг бир тўши олмазор, бир тўши шафтолизор. Кейин токзорлар, сабзавот экинлари, олхўризорлар кўзни қувонтиради. Адирга назар ташласангиз қияликдаги боғлар худди китоб варақларини эслатади. Улар бир-бирларига соя ташламайдиган қилиб очиб қўйилгандай.

Тилаволди ака ўн йил муқаддам бўлиб ўтган воқеаларни эслади. Ўшанда у тинчгина ишлаётган эди. Вилоят партия қўмитасига чақиришди-ю, «Тошкентга учасиз, вазирликка юборамиз» дейишди. Мақсадни тузукроқ тушунтиришмади ҳам. Самолётда эрталаб бориб, кечқурун қайтиб келди. Қовжираб ётган адирда янги совхоз ташкил этилгани ва унга ўзи — Тилаволди Ёқубов директор этиб тайинланганини вазирликда билди.

Вилоят партия қўмитасида «Ишни қабул қилиб олинг» дейишди. Нимани қабул қилади, кимдан қабул қилади?- Қуп-қуруқ қирлардан бошқа ҳеч вақо йўқ. Биринчи куни Тилаволди ака кимсасиз адирни кезиб чарчамади-ю, лекин зерикди. Бир ўзи ким билан гаплашади, ким билан маслаҳатлашади? «Коммунизм» жамоа хўжалигига қарашли бир парча ерда деҳқончилик қилаётганлар ҳам бу ер совхозга ўтиб кетибди, дея кетиб қолишди.

Тилаволди ака уларга кўп ялиниб-ёлворди:

— Ишлайверинглар, бу ерни боғ-роғларга айлантирамиз. Сизлардан катта мерос қолади келажак авлодларга, — деди.

Кўнишмади. Қўл силташ-ди:

— Э, қўйсангиз-чи. Бир ҳўплам сув бўлмаса. Лоақал директор ўтирадиган битта капа йўқ. Бир ўзингиз нима қила оласиз? — дейишди.

Кунлар, ойлар ўтди. Тилаволди ака адирда ишлайдиган одам қидириш билан овора. Ҳар тугул бир неча одамни сўзига ишонтирди. Беш киши бўлишди, ўн нафарга етишди. Машинада сув ташиб биринчи тепаликда идора биносига пойдевор қўйишди. Кузга бориб қирда соддагина бино пайдо бўлди. Қиш бўйи Тилаволди ака тинмади, зерикмади, умидсизланмади. Идорама-идора елиб-югурди. Бир оёғи Тошкентдан узилмади. Битта тахта ёки қувур топса ҳам адирга ташийверди. Мақсади — одамларда ишонч пайдо қилиш.

1981 йил ана шундай кечди. Келгуси йилнинг бошида бирорта мутахассиссиз, саноқли одамлар билан иш бошлаб юборди. Ўрикзор, олмазор, шафтолизор, беҳизор, токзорларнинг дастлабки кўчатлари ўтқазилди. Фаоллар кечалари чироқ ёқиб идора юмушларини қилар, кундузи эса ниҳол ўтқазар, машинада сув ташиб уларни суғоришарди.

Қаранг-а, ўшандан буён ўн йил ўтибди. Лекин Тилаволди ака чекингани йўқ. Қирлардаги боғлар кўзга ташланиб қолгандан кейин уни ҳали у ишга, ҳали бу ишга таклиф қила бошлашди. Кўнмаганига қарамай уни адир бағридан юлиб олишди ҳам. От айланиб қозиғини топади, деганларидек у адирга интилаверди. Ишсиз қолган пайтларда ҳам қадрдон қирларини қўмсади. Бўлим бошлиғи бўлди, яна директорликка сайланди.

Қадрдон боғларнинг меҳри уни доимо оғушига чорлайди. Хўжаликка қарашли қирлар 1569 гектарни ташкил қилади. Унинг эндигина 402 гектари боғ-роғларга айлантирилди. Қураш эса ўша 1981 йилдагидек давом этаётир. Ўтган йили 171 тонна ўрнига 218 тонна мева олинди, 609 тонна узум, 410 тонна сабзавот, 12 тонна гўшт, 72 тонна сут тайёрланди. Бу йил 255 тонна мева, 670 тонна узум, кўплаб сабзавот ва чорвачилик маҳсулотлари етиштирилади. 43 гектарлик олмазор, 13 гектарлик беҳизор, 13 гектарлик ўрикзор, 50 гектарлик шафтолизор, 40 гектарлик олмазор, 3 гектарлик ёнғоқзор, 2,5 гектарлик бодомзор, 158 гектарлик токзор, нокзор ва гилосзорларда иш қизғин. Қийғос мева-га кирган дарахтлардан тортиб бу йил ўтқазилган ниҳолларгача шакл-шамойил берилган. Айни кунларда боғбонлар дарахтлар остини юмшатиб, озиқлантириб, сув тарашмоқда.

Хўжалик боғлари кенгайгани, ҳосилга киргани сайин даромад ҳам ошиб бораётир. 1990 йилда 530 минг ўрнига 1 миллион 412 минг сўм даромад олинди. Соф фойда 320 минг сўмга етди. Боғбонларнинг ўртача ойлик маоши 258 сўмга тўғри келди. Мамазулун Аҳмадалиев 1,5 гектар токзордан 10 тоннаю 800 килограмм ўрнига 13 тоннаю 700 килограмм сифатли ҳосил топширди. Йиллик даромади 5500 сўм бўлди. Йил якунига кўра эса ишланган бир сўмга 3 сўмдан мукофот олди. 2 гектарли токзорни парвариш қилган Турғуншер Акромовнинг йиллик даромади эса 7252 сўмни ташкил этди. У ҳам якунда ишлаган бир сўми ҳисобига 3 сўмдан қўшимча олди.

Жазирамада адир мисдек қизиб кетади. Тик қияликдан пастга, юқорига кўтарилишнинг ўзи бўлмайди. Тракторлар эса боғ ораларига фақат бир томонлама ишлов бера олади. Ҳув ана, «МТЗ-80» трактори пастга ўрмалаб ҳаракатланаяпти. Ҳушёр турилмаса лаҳзада қулаб кетиши мумкин.

— Дадил йигитлар, мард йигитлар, — фахрланади Тилаволди ака. — Ана шу Йўлдошбек Қодиров бўлади. Ҳув нариги қияда ишлаётгани Алишер Жумабоев. Унисининг Мансурбек Жўраев, ёнидагиси Маҳаммаджон Оқйўлов, — дейди.

Асака адирининг энг баланд қирларидан бирида турибмиз. Бу жойдан Андижон шаҳри, Чўнтакнинг оромбахш сайлгоҳи, Марҳаматнинг Улуғ тоққа туташ далалари, кумушдек ялтираётган Шаҳрихонсой ва Аравонсой, гўзал Ширмонбулоқ кўзга ташланиб туради. Ўркач-ўркач қирларнинг қоқ ўртасидаги турнақатор оқ уйларни кўрасизу борлиқни бир лаҳза унутиб, томошага шайланасиз:

— Бу қанақа жой, — қизиқсинаман.

— Бизнинг «Соҳибкор» қўрғонимиз. Шу тепаликка чиқилмагунча бу жой кўринмайди. Қаранг, адирликдаги қаср. 120 та турар-жой биноси қурдик. 700 киши истиқомат қилади. 140 ўринли болалар боғчаси қураяпмиз. Ичимлик сув келтириш учун қувурларни тортиб қўйдик. Кенглиги 16 метрли йўл қураяпмиз. Бу йўл қўрғонимизни Асака шаҳри билан улайди.

Ҳа, мана буни қирлар оғушидаги гулшан деса ярашади. Бироқ уни андижонликларнинг аксарияти кўрмаган. Таърифлаб берсангиз «Эртак айтаяпсанми» дея тажжубланиши мумкин. Ҳатто бу ердаги ястанган боғларни ҳам афсонага йўйишар. Йўқ, ундай эмас. Асака адирининг қоқ бағрида, кўздан олис қирлар орасида яшнаётган гулшан бу.

Тилаволди ака билан қир устида хайрлашдик. Унинг бир гапи хаёлимда чарх уряпти. Қирлардаги боғларни бир таниши шундай депти:

— Сиз жаннатда яшар экансиз.

— Жаннатда яшар эканмизми ёки жаннат яратаётган эканмизми, — қўшимча қилибди Тилаволди ака...

Унинг жавоби ҳамон дилимга бир ширин туйғудек оқиб кирмоқда. Ҳа, сиз, соҳибкорлар келажак авлодлар учун жаннат яратаяпсизлар. Мана бу шарқираб оқаётган зилол сувлар, ранг кириб қолган чарос, шохларига оқ байроқ илган беҳилар, ўрикзору шафтолизорлар, олмазору қирларни тасмадай тортиб турган ниҳоясиз йўллар, мана бу: «Соҳибкор» шаҳарчаси осмондан тушган эмас. Улар сизларнинг келажак авлодларга ҳисоботингиз. Улар сизларнинг меҳрингиздан, юрагингиздан, диёнат ва имонингиздан яралган.

А. ҚОРАБОЕВ,
«Қишлоқ ҳақиқати» мухбири.

Бекобод район матлубот жамиятига қарашли бўрдоқичилик хўжалигида хайрли ишга кўл урилди. Бу ерда хонадонларга киши сонига қараб ҳар ой 1—2 қопдан қўшимча ун сотилмоқда.

— Бўрдоқибоқарларнинг унумли меҳнат қилиши ва яшаши учун барча шароитларни яратишга ҳаракат қилаяпмиз,— дейди хўжалик директори Э. Ҳотамов. — Уз даламизда етиштирилган, чорва озуқаси учун мўлжалланган галладан 4,5 тоннаси тежаб қолингандн. Ана шу донни унга айлантириб, аҳолига сотишга қарор қилдик. Жорий йилда 300 гектар майдонга дон экдик. Мавжуд эллик хонадон ундан зориқаётганн йўқ. Заҳирамиз ғалла пишгунгача етади.

СУРАТДА: ун тарқатиш пайти.

Б. САФАРОВ олган сурат.

Долзарб мавзуда суҳбат

ФАХРИЙЛАР ҚАЕРДА ИШЛАШИ МУМКИН?

Ўзбекистон уруш ва меҳнат фахрийлари республика Кенгаши ҳузурида «Фахрий» деб номланган кооперативлар ва кичик корхоналар бирлашмаси ташкил этилди. ЎзТАГ мухбири И. Алимов бирлашма раиси Н. А. АҲМЕДОВдан бу воқеани изоҳлаб беришни сўради.

— Илтимос, бирлашманинг мақсади ва вазифалари ҳақида гапириб берсангиз.

— Унинг мақсади ва вазифалари март ойининг охирларида бўлиб ўтган таъсис конференциясида қабул қилинган низомномада белгилаб қўйилган. Бизнинг ёш (беихтиёр чиққан сўз ўйини учун узр) бирлашмамизнинг вазифаси, аввало, фахрийлар ишлайдиган ва унинг таркибига кирган барча кооперативлар ва кичик корхоналарнинг манфаатлари ҳамда ҳуқуқларини ҳимоя қилишдан иборат. Биз тажрибали мутахассис-пенсионерга, агар уларнинг истаги бўлса, баҳоли қудрат меҳнат қилишлари учун имконият яратишга интиляпмиз, уларнинг моддий аҳволини яхшилашга, ижтимоий-маиший муаммоларини ҳал этишда ёрдам беришга ҳаракат қиляпмиз.

— Сиз фахрийларнинг баҳоли қудрат меҳнат қилишлари тўғрисида гапирдингиз. Шу тушунчани изоҳлаб беролмайсизми!

— Мамлакатдаги шунга ўхшаш кооперативлар ва кичик корхоналар тажрибасини ўрганиб, биз ишлаб чиқариш фаолиятининг бир қанча йўналишларини тавсия этамиз. Фахрийлар халқ истеъмол моллари, шу жумладан одамлар учун зарур протезлар ва тренажерлар, ногиронлар аравачалари, қийим-кечак ва пойабзал, айниқса махсус мақсадлар учун мўлжалланган кийим-кечак ва пойабзал, бутловчи буюмлар ва ярим тайёр маҳсулотларни бемалол ишлаб чиқаришлари мумкин. Фахрийлар кооперативлари ҳалқ усталарини жалб этиб, бадиий ҳунармандчилик —ноёб ўйма ёғоч жиҳозлар ва сўзаналар, қўлда тўқиладиган тўрлар, алоҳида заргарлик буюмлари тайёрлашни тиклашлари мумкин. Бу камбағаллашиб қолган истеъмол фондини тўлдиришга қўшилган сезиларли ҳисса бўлиб, жуда бой миллий анъаналарнинг сақлаб қолинишига ва бойитилишига хизмат қилган бўлур эди.

Қишлоқ жойларда яшайдиган 600 мингдан кўпроқ фахрийларимизга қандай маслаҳат берса бўлади? Улар фахрийлар кооперативларининг бошқа имтиёзлари ҳам бор.

— Чамаси, республикада ҳозирнинг ўзидаёқ фахрийлар кооперативлари ишининг ижобий тажрибаси бўлса керак?

— Албатта. Андижондаги кўп тармоқли «Ветеран» кооперативини мисол қилиб келтиришимиз мумкин. Бу ерда уруш ва меҳнат ногиронлари машиналарини тузатиш устахонаси ишлаяпти. Касаначилар тикувчилик цехи муваффақиятли ишлаб, чойшаблар, ёстиқ ва кўрпа жилдлари ҳамда кўрпалар тайёрламоқда. Иккита ремонт ва битта санитария-техника бригадасига буюртмалар тинимсиз келиб турибди. Бу бригадалар маҳаллий бюджет маблағи ҳисобидан уруш ва меҳнат ногиронларининг ҳамда ҳалок бўлган жангчилар оилаларининг уйларини капитал ремонт қилмоқда. Асаларичилик ривожланяпти. Бу кооперативда 120 киши ишламоқда. Фақат ўтган йилнинг ўзида бу ерда 350 минг сўмлик маиший хизмат кўрсатилди. Шу билан бирга кооператив хайрия фаолияти билан шуғулланмоқда. Улуғ Ватан уруши ногиронларининг 426 та енгил машинаси бепул тузатиб берилди. Бу ишлар деярли 17 минг сўмни ташкил этди. Кўп болали оналарга бепул хизмат кўрсатилди. Бир қанча туғма ногиронларга уларнинг машиналари ярим нархда тузатиб берилди. Чойшаблар, ёстиқ ва кўрпа жилдлари ҳамда кўрпалар ногиронларга ва болалар муассасаларига арзон нархларда сотилди.

Бошқа бир мисол. Тошкент вилоятидаги Оҳангарон район уруш ва меҳнат фахрийлари Кенгаши ҳузурида кўп тармоқли кичик корхона очилди. Бу ерда асосан пенсионерлар ишлашади. Бу корхонанинг боғдорчилик-полизчилик бригадаси «Оҳангарон» давлат хўжалигидан 40 гектар ерни ижарага олган. Бу ерга маккажўхори, картошка, пиёз экилган, 1 гектар ерда мевазор боғ барпо этилган. Шартномага мувофиқ давлат хўжалиги ижарачиларни уруғлик ва техника билан таъминламоқда. Корхона маҳсулотнинг бир қисмини давлат хўжалиги орқали сотади.

Тошкентдаги марказий универсал дўкон фахрийлари «Фахрий-мум» кооперативини ташкил қилдилар. Бу ерда кийим-кечак ҳамда чойшаб, кўрпа ва ёстиқ жилдлари тикилади.

Тошкентнинг бошқа районларида, Тошкент, Самарқанд ва Сирдарё вилоятларида кооператив ҳаракати дуруст ривожланган. Афсуски, бошқа вилоятларда ҳозирча бирор бир сезиларли силжиш бўлмаяпти. Ваҳоланки, бу —жуда керакли иш.

Мутахассис маслаҳати

ҒЎЗАНИ ДАСТЛАБКИ СУҒОРИШ

Ғўзани чиниқтириш, илдиз системасини яхши ривожлантириш мақсадида дастлабки сувни кечиктириб бериш тавсия этиб келинарди. Ваҳоланки, ғўза гулга киргунга қадар пайкалга оби ҳаёт тарамаслик (ер ости сувлари яқин жойлашмаган пайкалларда) экинни ўсишдан, шохланишдан орқага қолдиради. Гуллаш даврига-ча берилган сув барг юзаси яхши ривожланишига, шоналаш, гуллаш ва кўсак етилиши даври қисқаришига ёрдам беради. Хуллас, ғўза ўсиш даврининг биринчи ярмида сув унинг ривожига, пировардида ҳосил тўплашга сезиларли таъсир кўрсатади.

Гуллаш вақтигача ғўза шох чиқариб, ўсув нуқтаси анча ривожланган бўлади. Одатда бу пайтга келиб ўртача ривожланган тупнинг 8—9 та ҳосил шохлари шаклланиб, асосий тугунчалар пайдо бўлиб, биринчи теримга замин шуларда яралади. Бинобарин шундай муҳим даврда экиннинг ривожланиши, шохларнинг яхши ўсиши, илдиз тузилиши ўртача тармоқланиши учун зарур шароитни яратиш керак. Бу айниқса қатор оралиги 60 сантиметрли майдонларда катта аҳамиятга эга. Агар суғориш тартиби нотўғри бўлса, илдиз атрофидаги тупроқнинг ортиқча намланиши, экиннинг бўйга ўсиши кучайиб, томир тузилишига ва ҳосил тугунчалари пайдо бўлишига салбий таъсир этади.

Ер ости сувлари пастликда жойлашган соз тупроқли пайкалларда гуллашга қадар одатда икки марта сув берилади. Дастлабкиси ўсимлик уч-тўртта чинбарг чиқарганда, яъни май охири — июнь бошларида, иккинчиси эса биринчисидан 20—25 кун кейин, яъни июннинг учинчи ўн кунлигидан бошлаб берилади. Ҳар иккаласи ҳам жўяк оралатиб ўтказилади. Экин қисқа эгатларда (узунлиги 60—100 метр бўлса) 10—12 соат ва 14—16 соат давомида суғорилади. Бунда суғориш меъёри гектар ҳисобига (соф қиймати) 700—800 куб метрдан ошмаслиги керак. Енгил қумли ва қумлоқ тупроқли ҳамда қумли майдонларда кўклам қуруқ ва иссиқ келганда баъзан уч марта сув таралади. Бунда биринчиси экин тупида 2—3 та барг пайдо бўлганда, яъни майнинг иккинчи ярмида, кейингиси 16—18, учинчиси эса 14—16 кундан кейин, яъни гуллашдан авval берилади. Суғориш меъёри гектар ҳисобига 500—600 куб метр бўлиши керак.

Ўтлоқ тупроқли жойларда ер ости сувлари 2 метр чуқурликда жойлашган бўлса, ўсимлик 5—7 та чинбарг чиқарганда илк бор суғорилади. Бу кўпинча июннинг биринчи ярмига тўғри келади. Бундай шароитда одатда ғўза гулга киргунгача икки марта сув берилади. Чунки тупроқ ер ости сувларидан ҳам шимиб юқори намлик тўплайди. Ботқоқли тупроқларда эса сизот сувлари бир метр атрофида жойлашганда дастлабки сув гуллаш давригача ёки шу даврда таралади. Бунда суғориш вақтини аниқлаш муҳим. Бунинг учун тушлик пайтида баргни енгил эгиш, агар у енгил эгилса ва ўрта ўзаги узилиб кетмаса тезда сув бериш лозим. Гуллашга қадар бўлган суғоришни аниқлашнинг яна бир усули шуки, 10—20 сантиметр чуқурликдаги тупроқдан олиб кафтда думалоқлаш, сўнгра ерга ташлаш керак. Мабодо у сочилиб кетмаса, демак, намлиги етарли бўлади.

Ф. САТТОРОВ,
«Союзхлопок» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг бўлим мудири.

МАШРИҚДАН МАҒРИБГАЧА

ЦЕЛИНОГРАД. «Целиноградсельмаш» заводи ЗИЛ юк машиналарининг ва ўғит ташишга мўлжалланган махсус машиналарнинг биринчи туркумини ишлаб чиқарди. Бу ўз ҳамкасбларига ЗИЛ-130 машиналари учун шассилар етказиб бераётган Москвадаги Лихачев номли автозавод билан ҳамкорлик қилиш туфайли мумкин бўлди. Целиноградлик автомобилсозлар ҳозирнинг ўзидаёқ юзлаб машиналар учун буюртмалар олишди.

* * *

СУМИ. УССР Фанлар академияси металлар физикаси илмгоҳининг Сумидаги илмий-техника маркази мутахассислари едирилмайдиган, занглашдан сақлайдиган қопламаларни плазма ёрдамида пуркаш технологиясини ва шу мақсад учун мўлжалланган қурилмани ишлаб чиқдилар. Янги линия жуда самарадорлиги, кичик ва катта ҳажмли нарсаларга ялпи ишлов бера олиши билан ажралиб туради ва деворни пардозлаш материаллари ишлаб чиқаришда, металл идишларга манзарали суратлар чизишда қўлланилиши мумкин. Бундай техникадан фойдаланиш экология учун зарарли гальваник ишлаб чиқаришдан воз кечиш имконини беради.

* * *

РИГА. Биринчи бўлиб валюта билан савдо қилишга расмий рухсатнома олган хўжалик ҳисобида ишловчи давлат корхонаси ҳар куни долларнинг сўмга нисбатан қийматини белгилайди. Харидорларга белгиланган намунадаги квитанцияларни ёзиб берилади. Бу квитанцияларни республика божхона ходимлари тан олишади, лекин у валютани СССРдан олиб чиқиб кетиш ҳуқуқини бермайди. Бунинг учун алоҳида рухсатнома талаб этилади. Ҳозир идора бир долларни 30 сўм 50 тийинга сотиб олаяпти, кейин эса 34 сўмдан сотяпти. Ригада яқин вақт ичида яна иккита саррофхона очиш режалаштирилмоқда.

* * *

ТАЛЛИН. Почта банки ишлай бошлаши биланоқ Эстония аҳолиси ҳар қандай алоқа бўлимида зарур банк операцияларини, шу жумладан эркин муомаладаги валюта билан амалга ошириладиган операцияларни бажариши мумкин. Тарту тижорат банки раҳбарияти шундай банк очиш тўғрисида республика почта идораси билан дастлабки тарзда келишиб олди.

* * *

ДОНЕЦК. «Гипрохимреактив» илмгоҳининг Донецкдаги филиалида ишловчи етакчи муҳандис Л. Топтигина Куйбишев район партия комитетига кутилмаган ёқимли туҳфа келтирди. Гарчи у коммунистлар рўйхатида бўлмаса-да, ҳар ойда кўнгилли равишда партия кассасига пул ўтказади. Мамлакатда авж олган партиядан ҳоли қилиш кампанияси унинг эътиқодини сусайтирмади ва у коммунистларга фаол ёрдам беришда давом этмоқда. Унинг фикрича, мамлакатда бошланган ўзгартишлар жараёнини ёш авлод тугаллаши керак бўлади, шунинг учун ҳозир асосий куч-ғайратни ёшларни тарбиялашга қаратиш зарур.

СВЕТЛАЯ (Приморье ўлкаси). Жанубий Корея «Мерчент» транспорт кемасининг капитани Тинч океан қирғоғидаги янги Совет порти Светлаяга мунтазам қатновни бошлаб берган дастлабки кема ҳайдовчиси бўлди. 22 апрель куни мазкур кема аъзолари портга ёғоч тайёрлаш техникаси билан озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб берди.

СТЕПАНАКЕРТ. Тоғли Қорабоғга дори-дармон ва тиббиёт ускуналари, болалар озиқ-овқати ва бошқа маҳсулотлар ортилган учта кема соққилар кузатувида етиб келди. Бу ёрдамни Бавария Қизил кресги билан Мюнхенда чиқадиган «Абендцайтунг» рўзномаси уюштирди.

МИНСК. БССР Вазирлар Кенгаши 5 фоизли солиқ тўлашдан озод қилишга доир илгари эълон қилинган моллар рўйхатига қўшимчалар киритилгани тўғрисида фармойиш чиқарди. Тасдиқланган қўшимча рўйхатга қандолат маҳсулотлари, чой, кофе, балиқ, пиво ва спиртсиз ичимликлар, сабзавот ва мева консервалари, шарбатлар, цитрус мевалари, картошка киритилган.

АШХОБОД. ЮНЕСКО «Буюк ипак йўли — мулоқот йўли» экспедициясининг бу ерга келган қатнашчилари Туркманистоннинг қадимий ёдгорликлари билан танишмоқдалар. Улар қадим даврларда маданият ниҳоятда юксак ривожланганидан далолат берувчи ёдгорликлар кўп бўлган Марв воҳасига бордилар.

* * *

МОГИЛЕВ. Могилев вилоятининг Краснополье районидаги «Заводокский» ва «Холмянский» ҳамда Киловичи районидаги «Савиничи» давлат хўжаликлари далаларида янги эман кўчатлари экилди. Бу олти юз гектар ер Чернобиль атом электр станциясидаги аварияда кейин жиддий булғанган ва қишлоқ хўжалиги оборотидан чиқарилган. Ҳозирнинг ўзидаёқ вилоятдаги жами қарийб икки минг гектар ҳайдаладиган ерга дарахт кўчатлари экилди. Ўтган қиш арафасида оқ қайинлар, қарағайлар, арчалар экилган эди. Бир квадрат километрга тўғри келадиган радиация даражаси қирқ кюридан ошадиган жойларга узоқ умр кўрадиган дарахтларни экишга қарор қилинган. Ўрмон радиацияни зарарсизлантирувчи восита вазифасини ўтайди.

(ТАСС).

ЕТТИ ИҚЛИМ САБОСИ

АҚШ ПРЕЗИДЕНТИ АРМИЯ ГЕНЕРАЛИ МОИСЕЕВНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

ВАШИНГТОН. (ТАСС мухбири Станислав Лунев). Қурол-яроғларни назорат қилиш масалалари юзасидан Америка томони билан музокараларда қатнашаётган Совет делегациясига бошчилик қилаётган СССР Мудофаа вазирининг биринчи ўринбосари, СССР Қуролли Кучлари бош штабининг бошлиғи М. А. Моисеевни АҚШ Президенти Жорж Буш сешанба куни Оқ уйда қабул қилди. Президентнинг миллий хавфсизлик масалалари бўйича ёрдамчиси Брент Скоукрофт ҳам иштирок этган суҳбат чоғида бутун Совет-Америка муносабатлари мажмуининг кун тартиби нуқтаи назаридан қуроллироларни назорат қилишга доир жуда кўп масалаларини муҳокама қилишга биринчи даражали эътибор берилди.

СЎНГГИ СОАТДА

ДЕҲЛИ. Ҳиндистон ҳукумати таниқли сиёсат арбоби, Ҳиндистон миллий конгресси (И) партиясининг раиси Ражив Гандининг ҳалокати муносабати билан бир ҳафталик мотам эълон қилди. Миллий парламентга сайловнинг иккинчи ва учинчи босқичлари май ойидан июннинг ўрталарига қолдирилди, айни пайтда суиқасднинг тафсилотлари маълум бўлмоқда. ПТИ агентлигининг ҳабар қилишича, сайловолди митинги бошланишидан олдин Р. Гандига топширилган гулдастага бомба қўйилган экан. Портлаш натижасида Ҳиндистон миллий конгресси (И) партиясининг раҳбари таниб бўлмайдиган даражада шикастланди. Оломон орасида яна 15—20 чоғли киши ҳалок бўлди ва жароҳатланди.

Ҳиндистоннинг кўп районларида вазият ўткир туюлди. Деҳлида оломон Р. Гандининг сиёсий рақибларидан бирининг уйига ўт қўйишга уринди. Маъмурлар оммавий қирғин бошланишидан хавфсираб, турли штатларда хавфсизликнинг фавқулодда чораларини кўрмоқдалар. Ражив Гандининг онаси бош вазир Индира Ганди ҳалок бўлганидан сўнг, маълумки, юз берган тартибсизликлар натижасида минглаб одамлар ҳалок бўлган эди.

РЕНХАП агентлигининг ҳабар қилишича, бош вазир Президентнинг «Зангори уй» боргоҳига бориб, Ро Дз Уга истеъфо ҳақидаги аризани топширди ва давлат бошлиғи учун «ортиқча юк» бўлишни хоҳламаслигини айтди. Кузатувчиларнинг фикрича, ўтган йилнинг декабри охирида бош вазир лавозимини эгаллаган Ро Чэ Боннинг истеъфога чиқиши бутун Жанубий Корея ҳукуматини қайта ташкил этиш эҳтимолини кучайтиради.

Ҳукуматнинг истеъфога чиқишини талаб қилиш ҳукуматга қарши намойишларнинг асосий шиори бўлиб қолди. Сеул университетларидан бирининг талабаси полициячилар қалтаклаганлиги натижасида 26 апрель куни ҳалок бўлганидан сўнг Жанубий Кореяда бундай намойишлар авж олиб кетди. Фақат талабалар ва жиноятчиларгина эмас, «кўчаларда кураш олиб бориш» тактикасига ўтган сиёсий мухолифлар ҳам ҳукуматнинг истеъфо беришини талаб қилдилар.

НЬЮ-ЙОРК. Форс кўрфази зонасида уруш тугаган бўлса ҳам у ҳамон ўн минглаб ироқлик болаларнинг ёстиғини қуритмоқда. Гарвард университети олимларининг гуруҳи шундай хулосага келди, олимлар шу ойнинг бошларида Ироқдан қайтиб келдилар. Уларнинг эълон қилинган маълумотномасида келтирилган ҳисобларга қараганда йил давомида касалликлар ва тўйиб овқатланмасликдан тахминан 170 минг ироқлик қичкинтой ҳалок бўлади.

«Ироқ ҳукумати, шунингдек Ғарб журналистларининг мамлакатда соғлиқни сақлаш соҳасидаги вазият барқарор ва кейинчалик янада яхшиланади, деган гапларига қарамай, тадқиқот муаллифлари гуруҳи тиббиёт ночор ҳолатда эканлигини аниқлади», — дейилади, жумладан, маълумотномада. Олимларнинг гапларига қараганда, Ироқ ҳукумати вакиллари ана шу тадқиқотларни ўтказишда уларга тўсқинлик қилмаганлар.

Ироқ касалхоналарини бориб кўриш америкаликларда «фалокат» деган таассурот қолдирди. Уларнинг гапларига қараганда, шифохоналарда дори-дармонлар, тиббий асбоблар ва табобат ходимлари етишмайди. Натижада вабо ва ич терлама каби касалликлар кенг тарқалмоқда. Биринчи навбатда энг ожиз ва ҳимоясиз болалар бу касалликларнинг қурбони бўляпти. Лекин америкалик мутахассисларнинг фикрича, энг даҳшатли воқеалар ҳали олдинда. Улар ёзда юқумли касалликлар тарқалишини кутишмоқда. «Энг камтарона ҳисобларга қараганда», шу даврда Ироқда болалар ўлими Форс кўрфазида ҳарбий-сиёсий танглик бошланган 1990 йил августига нисбатан икки баравар кўпаяди, деб тахмин қилишмоқда табобат ходимлари.

Болалар кўплаб нобуд бўлаётганининг яна бир сабаби очлигидир. Тўйиб овқат емаслик, деб таъкидлашди тадқиқот муаллифлари, «шундай кенг тус олмоқдаки, бу ҳол озиқ-овқат етишмаслиги бартараф этилмаса, Ироқда очлик бошланади, деб ҳисоблашга асос бўла олади».

(ТАСС).

СОҒЛОМ ХАЛҚНИНГ ИМОНИ БУТУН

• *Дил ҳамрози*

Тиббиёт илмининг отаси Абу Али ибн Сино юрти қадимий ва навқирон Бухорода аллома номидаги олий билимгоҳ иш бошлади.

Мухбиримиз институт ректори, тиббиёт фанлари доктори, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби Акрам Иброҳимович МЎМИНОВ билан суҳбатлашди.



— Барча маърифий дунёда, ҳамма замонларда табобат халқнинг азалий, бой тажрибасига, ҳакимлик маданиятн анъаналарига суянган. Бу борада Шарқ табобатининг асрий тажрибалари, Абу Али ибн Синодек буюк ҳакимларнинг илмий-назарий ва амалий анъаналари мавжуд. Бухорода — улуғ аллома ватанида тиббиёт олий билимгоҳининг очилиши, ижтимоий адолатнинг тантана қилганлиги эмасми?

— Айни пайтда Орол фожиаси билан боғлиқ экологик фожиа, ижтимоий-маиший ҳаётдаги тангликлар наинки. руҳга, ақл, тафаккурга, онгга, балки. ҳатто, ирсиятга, наслга ҳам таъсир эта бошлади. Буни бутун дунё кўриб турибди. Болалар ва. оналар ўлими фавқулодда кўпайди. Кам қонлилик, сариқ, ошқозон-ичак, юрак, қон-томир, буйрак хасталиклари кўпроқ шу минтақада учрамоқда. Аҳоли ичадиган сувида, ейдиган неъматларида, нафас оладиган ҳаво таркибида заҳар бор. Боз устига етук, тажрибали ҳакимлар сони беҳад оз. Биргина Бухоро вилоятида 1300 нафардан ортиқ шифокорлар етишмайди. Улар сафи аҳолининг кўпайиши эвазига йил сайин яна озайиб бораверади. Бу биргина вилоятда, холос. Минтақадачи?

Ҳар йили тиббиёт олий билимгоҳларини тугатганлардан бори-йўғи 150 мутахассис Бухоро вилоятига ишга келади. Жумҳуриятда ҳар 10 минг аҳолига 33 врач тўғри келса, Бухорода — 25, Қашқадарёда — 26, Хоразмда — 30 нафар мутахассис тўғри келади, холос. Аҳволнинг бундай танглиги Ибн Сино юртида санитария-экологик жиҳатдан оғир жойларга хизмат этувчи тиббиёт институтини очишни тақозо этди. Ҳа, яна бошқа асос ҳам бор. Ўқув бинолари, 300—400 ўринли ётоқхоналар, профессор-ўқитувчилар учун уй-жойлар, дастлабки босқичда ўқув жараёнларини йўлга қўйишнинг аниқлиги, бир сменада 4,9 минг беморни қабул қиладиган амбулатория ва шифохоналарнинг, 14 та ихтисослаштирилган касалхонаю диспансерларнинг борлиги ўқув ишларини ташкилий жиҳатдан таъминлаш имконини беради. Ҳозир 1000 кишилик кўп профилли, ихтисослаштирилган касалхона бўлган ҳакимлар шаҳарчасининг қурилаётганлиги етук врачлар тайёрлашда яхшигина база бўлиб хизмат қилади. Вилоятнинг ўзида 23 фан номзоди ва битта фан доктори фаолият кўрсатаётганлиги, улар сафида четда ишлаётган 40 дан ортиқ илмий унвонлари ва даражалари бўлган етук, тажрибали олимларнинг (сурхондарёлик, қашқадарёлик ва хоразмлик олий даражадаги мутахассислар) борлиги инобатга олинди.

Мазкур имкониятларнинг ҳаммаси, жумҳурият раҳбариятининг, вазирликнинг саъй-ҳаракати, ташаббуси олий билимгоҳнинг очилишига сабаб бўлди.

Ҳозирданоқ биз асосий эътиборни махсус ҳакимлар шаҳарчасини қуришга қаратдик. Бунинг учун маҳаллий ҳокимият Ситораи Моҳихоса тарихий осори атиқа теграсида 27 гектар ер ажратди. Бир неча вариантдан иборат лойиҳани маҳаллий архитекторлар тайёрлашди. Биз тегранинг сейсмик зонада жойлашганлигини, кўп қаватли иморатлардан фойдаланишда маҳаллий шароит имкониятини инобатга олган ҳолда 9 ва 12 қаватли лойиҳадан воз кечиб, тўрт қаватлисини танладик. Айни пайтда, шаҳарчанинг яхлит композицион уйғунлигини сақлаб қолишга уриндик. 12 қаватли илмий марказ-бошқарувнинг автоматик маркази биноси хизмат қилади. 3600 талабага мўлжалланган янги ҳакимлар шаҳарчаси қурилишини «Навоистрой» қурилиш ташкилоти бунёд этади.

Қурилиш икки босқичда амалга оширилади. Биринчи навбатда йирик корпус, тиббий-биологик корпус, талабалар учун ётоқхона (1994 йилгача қуриб битирилади), иккинчиси — 1996 йилгача ишга тушиши лозим бўлган 1000 ўринга мўлжалланган саломатлик комплекси, маданий марказ, ижтимоий-маиший бинолардир.

— Олий билимгоҳ Шарқ табобати анъаналарига таянган ҳолда фаолият кўрсатувчи дастлабки даргоҳлардан бири бўлиши муқаррар.

— Ҳа, худди шу ўзига хослик унинг мақомини, фаолият кўламини белгилайди, Корея, Хитой, Ҳиндистон ва яна қатор мамлакатларнинг қадимий миллий табобат тажрибалари ва бой анъаналарига қизиқиш кучли. Улар билан биздаги халқ табобатининг илдизлари. бир-бирига жуда ўхшаш. Ҳамкорлик икки томонлама фойдали: биз уларнинг, улар эса бизнинг халқ табобати тажрибаларимизни ўрганишади. Биз бу тажрибалару анъаналарсиз ўз ишимизни кўнгилдагидек йўлга қўя олмаслигимиз аниқ. Мақсад улуғ бобокалонимиз Абу Али ибн Сино меросини, Шарқ табобати анъаналарини қайта тиклаб, уларни замонавий тиббий билим ва тажрибалар билан узвий, омихта ҳолда ўрганиб амалга татбиқ этишдир.

— Маълумки, Ибн Синонинг ўзбек ва рус тилларида чоп этилган 5 жилдлик «Тиб қонунлари» мукаммал нашр эмас. Халқ орасида ҳамон сақланиб келинаётган усуллар, манбаларга асосланиб биз кўҳна халқ табобатини ривожлантиришимиз керак. Бу эса турфа шифобахш ўсимликлар билан даволаш табобати бўлиб, у инсон танасининг яширин имкониятлари, табиий, туғма қувватларига суянади.

— Ҳа, аслида биз табиат фарзандларимиз. Шифо ҳам табиатда. Бу аксиома замонавий тиббиётнинг бош шиори бўлиши керакка ўхшайди. Биздан, одамлардан эса фақат бир нарса — ўз танамизга, руҳимизга оқилона, ҳакимона муносабатда бўлиш талаб қилинади, холос. Кимёвий дорилардан фойдаланиш яхши, бироқ улардан кўр-кўрона фойдаланиш ҳамиша ҳам кутилган самарани беравермайди. Турфа хасталиклар ҳуружи ҳаддан зиёд ошиб бораётган даврда. тиббиёт яна аслига жумладан, Ибн Синодек буюк ҳакимларнинг даволаш усулига қайтиши зарур. Соғлом яшашнинг бош йўли шу эканлигини маърифий дунё аллақачонлар тушуниб етди.

— Минтақамизда табобат дунёси, турли доривор ўсимликлар, шифобахш гиёҳлар сероб. Маҳаллий иқлим билан боғлиқ ҳар хил касалликларни даволовчи «Чашма Аюб», «Ситорай-Моҳихоса» каби шифобахш сув манбалари эса қадим-қадимдан машҳур. Ана шу маълум ва номаълум манбаларни топиш, таркибини ўрганишдек хайрли тадқиқотларга ҳам келгусида йўл очилса ажаб эмас.

— Маҳаллий ҳокимият Бомбайдаги доришунослик фирмаларидан бири билан тут, ялпиз, янтоқ, анжир, исириқ, ўрик, шотут ҳом ашёларига ихтисослаштирилган ҳамкорликдаги доришунослик заводи қурилиши бўйича шартнома тузди. Қурилиш бошланиш арафасида турган ҳамкорлик корхонаси Совет Иттифоқи Ҳиндистондан валюта ҳисобида харид қилаётган 32 хил дори-дармонни ишлаб чиқаради. Келгусида яна қўшимча 40 хил дори-дармон тайёрлаш режалаштирилаётир. Натижада ўзимизда ҳам валюта ишлаш имкони бўлади. Олий билимгоҳнинг доришунослик кафедраси ўз лабораторияларн билан бу ҳайрли ишга бош-қош бўлиши турган гап.

Олий билимгоҳ Шарқ табобатининг Ўрта Осиё ва Қозоғистон минтақасидаги ўзига хос ҳам илмий, ҳам амалий маркази бўлиб қолади. Келажакда халқ табобати уюшмаси ва унинг марказларини, турли ассоциацияларни ташкил этиш йўлга қўйилади. Тиббиёт олий билимгоҳлари орасида биринчи бўлиб «Соғлиқни сақлашни ташкил этиш» кафедраси ҳузурида махсус «Халқ табобати» курси уюштирилади. Корея, Ҳиндистон, Ғарб мамлакатларидан етук олимлар махсус лекциялар ўқишга таклиф этилади.

Илмий-тадқиқот ишларимизда, олий билимгоҳимиз ўзига хос мақомидан келиб чиққан ҳолда, Шарқ табобатининг гнесеологик илдизлари, сирлари, даволаш усуллари, тарихи асосий йўналишлардан бири бўлади. Ибн Сино ва бошқа машҳур ҳакимлар нодир меросларининг ҳам назарий, ҳам амалий моҳиятларини атрофлича ўрганишга киришилади. Шарқ хорижий илмий тиббий марказлари, олий билимгоҳлари билан ўзаро талабалар ва мутахассислар айирбошлаш ишларига катта умид боғлаб турибмиз.

Шундагина биз замонавий медицинани қадимий синашта халқ табобати, Шарқнинг буюк тиббиёти билан боғлашдек олижаноб эзгуликни амалга оширш имконига эга бўламиз. Олийгоҳимизнинг ташкил этилишидан асосий мақсад, ҳам зотан. ана шундан иборат.

— Олий билимгоҳнинг ўзига хос жиҳатлари педагоглар ва мутахассис кадрлар танлаш, жой-жойига қўйишдек нозик сиёсатни тақозо этади.

— Ҳақ гап. Олий билимгоҳимизда 300 нафардан ортиқ малакали профессор-ўқитувчилар ишлаши режалаштирилган. Янги ўқув йилидан 1200 нафар талаба даволаш куллиётида сабоқ олишни бошлашади. Иккинчи ва учинчи курсларда Хоразм, Бухоро, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларидан, Россия ва жумҳуриятнинг тиббиёт олий билимгоҳларида таҳсил олаётган талабалардан 800 нафари ўқиш учун таклиф этилади. Вақти келиб биринчи курсга кирувчилар сонини 6000 нафарга етказиш ниятимиз бор.

Ҳозир 200 нафарга яқин тингловчиси бўлган тайёрлов бўлими, 140 дан ортиқ тингловчиси бўлган пуллик кечки курс ишлаб турибди. 46 кафедра тузилиб, уларнинг таркиби етук мутахассислар билан таъминланмоқда. Ўқув дастурлари тайёрланиб, иш режалари белгиланмоқда. Афсуски, олий билимгоҳимиз ниши нашриётлар режаларига ҳалигача киритилгани йўқ. Ўқув қўлланмаларини ололмаяпмиз. Халқ табобати бўйича оддий дастур ва йўлланма берувчи кўрсатмалар ҳам йўқ. Ҳаммасини ўзимиз тайёрлашимизга тўғри келаяпти.

Зеро олий билимгоҳ ўз мустақиллиги билан боғлиқ имкониятлар доирасини хўжалик юритишнинг янги шаклларига, жумладан ўз-ўзини маблағ билан таъминлашга ўтказиши зарур. Бу борадаги режаларимиз умидли. Бунинг учун аввало халқаро тил бўлмиш инглиз тилини мукаммал эгаллаш, кейин эса юксак даражадаги ахборот алмашинувини, яъни компьютерлаштиришни йўлга қўйиш лозим.

Ниятимиз—биринчи кунларданоқ олий билимгоҳ мавқеини кўзлаган мақсад даражасига кўтариш, бунинг учун ўқиш-ўқитишнинг энг замонавий, энг фаол, серсамара шаклларини танлаётирмиз. Жумҳуриятдаги, Иттифоқдаги турдош олий билимгоҳлару илмий марказларда бўлиб, улардаги мавжуд тажрибалару янгиликларни ўрганиб, амалда фойдаланамиз. Замонавий тиббиётни, айни пайтда жаҳон медицинаси тажрибаларисисиз, табобатнинг бой анъаналарисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Бу мавжуд тажрибаю анъаналарни чуқур ўрганиб, уларни ўзлаштириш мақсадида қатор ривожланган капиталистик мамлакатлар, хусусан, олий билимгоҳ мақомини билан боғлиқ Шарқ давлатларига вакиллар юборамиз.

Олий билимгоҳда бошқарувнинг автоматик тузилмаси режамизга кўра, вилоятдаги барча соғлиқни сақлаш муассасалари фаолиятини қамраб олиши керак. Ҳар бир кафедра, билимгоҳ, илмий марказлар билан ўзаро бемалол ахборот алмашинуви имкониятига эга бўлиши тарафдоримиз. Клиник кафедралар эса йўлдош алоқа каналлар орқали мамлакат ва дунё илмий марказлари билан ҳам алоқа боғлашларига имкон яратилади.

Шу ўринда маҳаллий ҳокимиятнинг олижаноб ташаббусини миннатдорчилик билан қайд этмоқчимиз. Халқ ноиблари Свердлов район Кенгаши билан 1990 йил 13 декабрда шартнома туздик. Унга асосан олий билимгоҳ жорий йилда Жондор посёлкасида тиббий биологик йўналиш бўйича ихтисослашган мактаб ташкил этиб, уни оталиққа олади. Олий билимгоҳ профессор-ўқитувчилари ҳафтада бир кун мактабда бепул сабоқ беришади. Кўрсатма ва йўл-йўриқлар тайёрлашади. Ахборот маркази эса тиббий-биологик фанларни ўзлаштиришнинг режа-тадбирларини ишлаб чиқади, район касалхонаси ҳузурида «Саломатлик» ахборот марказини ташкил этишга ёрдамлашади. Ўз навбатида халқ ноиблари район Кенгаши ҳам олий билимгоҳни оталиққа олиб, 300.000 сўм пул ўтказишга қарор қилди. Вилоятнинг бошқа районлари, шунингдек Қашқадарё, Сурхондарё ва Хоразм вилоятларидаги айрим районлар билан ҳам шартномалар тузиш ниятимиз бор. Истиқболда валюта ишлаш ниятимиз ҳам йўқ эмас. Ана ўшанда мустақиллигимиз янада ортади. Хорижий мамлакатлар, хусусан, Туркия, Корея, Хитой, Ҳиндистон олий билимгоҳлари, илмий марказлари, йирик мутахассислари билан ўзаро ҳамкорлик имкониятлари янада кенгаяди, Истанбул дорилфунуни ректори, машҳур кардиолог-профессор Мехмед Жемъи Демир ўғли жаноблари Тошкент давлат дорилфунунида меҳмон бўлганида биз билан кенг алоқалар ўрнатишни таклиф этди. Юртдошимиз, Саудия Арабистони Мармар ширкатининг соҳиби Абдуғаффор Нурали ал-Бухорий араб мамлакатлари, хусусан, Миср дорилфунунларида 40 нафар ўзбекларни тиббиёт, иқтисодиёт, меъморчилик ва бошқа мутахассисликлар бўйича ўз маблағига ўқитмоқчи эканлигини айтди. Бунга ўхшаш таклифлар дунёнинг бошқа минтақаларида яшаётган ватандошларимиз томонидан ҳам бот-бот тушиб турибди.

Хуллас, режаларимиз бисёр, ниятимиз эзгу, халққа, унинг саломатлигига хизмат қилиш. Соғлом халқгина соғлом насл билан соғлом жамиятда яшай олади. Соғлом жамиятда яшаган соғлом одамларгина жамиятни инқилобий янгилай олади, яшартира олади. Фаолиятимиз мазмунининг бош ҳикмати, фалсафаси ҳам ана шу ҳақиқатдир!

— Ушбу ният йўлидаги эзгу ишларга омад тилаган ҳолда мен Сиздан биринчи қабул масалаларн хусусида муштарйларимизга қисқача тушунча беришингизни сўрардим.

— Айни муддао. Олий билимгоҳимизга қабул масаласи ҳозир кўп ёшларнинг диққат марказида эканлигини тушунаман. Биринчидан, олий билимгоҳимизда ўқишни истовчиларнинг ёши инобатга олинмайди. Имтиҳонлар учта фандан (кимёдан ёзма, физикадан ишпо, ўзбек ва рус тилларидан диктант) бўлиб, энг кўп балл олганлар умумий танлов асосида қабул қилинадилар. Қабулда анъанавий шартлардан ҳам чекинилди. Олдингидек, танлов вилоятма-вилоят, ноҳияма-ноҳия эмас, балки умумий тарзда, олинган баҳоларнинг яхлит йиғиндиси бўйича амалга оширилади. Қабул шартларининг бундай ислоҳи табиий танловнинг объективлигини, талабаларнинг билим савияларини оширишни, мутахассислар тайёрлашнинг янги сифат босқичини таъминлайди, деган умиддамиз.

Бир сўз билан айтганда, кимнинг билими зўр бўлса, ўша олий билимгоҳимизнинг биринчи талабаси бўлиш шарафига мушарраф бўлади. Олий билимгоҳимизда ана шундай бахтиёр истеъдодларни кутмоқда.

Суҳбатдош:
В. НОСИРОВ,
«Қишлоқ ҳақиқати» мухбири.

МЕРОС

Тошкентнинг эски шаҳар кўчалари бўйлаб пиёда юриб, темирчиларнинг устахона-дўконларини кузатаман. Рўзғорга керакли хокандоз, оташқайчи, оташкурак, самовар карнай, теша, болта, ўроқ каби ҳунармандлик анжомларини кўриб кўзим қувнайди.

Усталарнинг ота-боболардан мерос бўлиб қолган касбга меҳр қўйиб ишлашларидан ниҳоятда мамнун бўлиб ўтаётганимда, кетмон ясаётган кекса отахон эътиборимни тортди. Унинг катта-кичик кетмонларини қатор териб қўйгани кўзимга нимагадир чиройли кўринди. Бирма-бир салмоқлаб кўрсам, оғир-енгиллиги, ўткир-кескирлиги ҳар хил ва илгариги кетмонларга қараганда бирмунча юпқа, енгил, ихчам эди.

— Ҳа, ўғлим, қанақасидан керак? — дели. уста елкасига ташлаб олган рўмолчаси билан пешона терларини артаётиб.

— Отахон, қадимгисидан йўқми? — дедим оташда қизариб турган кетмонга термулиб.

— У даврлар ўтиб кетган, ўғлим, ҳозир техника замони. Олдингига ўхшаб, қаттиқ, заранг ерга ҳеч кимнинг кетмон ургиси келмайди.

Бўлар юмшоқ жойларга мўлжалланган. Гапингга қараганда деҳқон ўғлига ўхшайсан-а? — деб ишини давом эттирди уста.

Қарилик — донишмандлик деганлари рост экан. Кекса уста деҳқон ўғли эканлигимни топди. Авлод-аждодларимиз кетмонда ишлаб, оила боқиб келган. Эсимни танибманки, уйимизда бир қанча кетмон турлари бўларди. Бирортасига гард юқмас, ишлатилганлари доим йилтираб турарди. Соплари ҳам худди бўяб қўйилгандек сарғайиб кетганди.

Дадамни елкаларидан сира кетмон тушмас, қаерга борсалар шу жойда ишлашга мосини танлашга одатланган эдилар. Ёш бўлсамда мени ҳам тинч қўймай, қўлимга кичкина кетмонни тутқазиб: «Юр, мен билан ишлаб, бир терлаб қайт» — дейишлари ҳамон қулоғим тагида жаранглайди. Еттисаккиз ёшларимиздаги ўша кетмоним ҳозиргисидан анча оғир эди.

Колхоз далаларида у пайтларда от, хўкизларда омоч билан ер ҳайдалар, асосий ишларни кетмон бажарарди. Уста айтмоқчи олдинги кетмонлар ер чопиш учун чиқарилар, оғир ҳамда ўткирлигидан деҳқонни унча қийнамасди. Юмшоқ ер, экин чопишда кетмон кўтариб ташланса бас, ерга худди ўзи кўтарилиб тушаётгандек туюларди. Кетмоннинг сопи қисқа, ўртача бўлишини деҳқонлар ёқтиришарди. Бунинг сабабини сўраганимда дадам: «Ишчан одамларга кетмоннинг сопи калтароқ бўлгани маъқул, сопи узуни эса, дангасаларга мос»,— деб тушунтирардилар.

Деҳқон кетмонига чарх, юзи қайтиб қолса, темир ёки тош устига уриб терилса, яна ишга ярайверарди. 1959 йил эди. Техника тараққий этиб, трактор турлари пайдо бўлаётганда кетмонда ишлайвериб чарчаганимданми: «Дада, энди ҳамма ишларни тракторлар бажарар экан», — деганимда, «Э, ўғлим, нималар деяпсан, кетмонсиз иш охиригача битмайди», — деб жавоб бергандилар.

Йиллар ўтаяпти. Далада, шаҳарда ҳамон кетмон ишлатилади. У бор жойда саранжом-сариштalик, ораставлик мавжуд. Шу кетмонда ота-боболаримиз асрлар мобайнида меҳнат қилиб, тер тўкиб, бизни боқиб, покиза яшашга ўргатиб келишган.

Деҳқон дадамнинг табаррук, ҳалол қўллари теккан кетмонларидан бирини ҳамон сақлаб келаман. Бўш пайтларимда кетмонни қўлимга олсам ўтган кунларим, дадам руҳлари жонланади.

Кетмон ҳақидаги панд-насиҳатлари қулоғимга баралла эшитилаётгандек...

Дадамнинг бир ботмон келадиган каттакон кетмонларини қўни-қўшниларим ҳам сўраб туришади. Ишлатиб, келтириб беришкан: «Бунақасини яқин орада сира кўрмаганмиз» деб ҳазиллашиб қўйишади.

Ҳар сафар қаерда бўлмайин, бехосдан кетмонни кўриб қолсам, хаёлимга дадамнинг кетмони келади.

У бугун ҳам менга боғроғ ва яшиллик яратишда асқотаяпти. Шунинг учун уни авайлаб асрайман. Иўқолиб қолмасин, деб тез-тез уйдагиларга ва сўраб олиб кетувчиларга тайинлаб қўяман. Ахир у менга отамдан қолган бебаҳо мерос...

М. АҲМЕДОВ.

ОСОЙИШТАЛИК ПОСБОНЛАРИ

Қорақалпоғистон корхоналари ва ташкилотлари ажратган маблағ ҳисобига унинг ҳудудида қўшимча равишда 102 участка инспектори, 80 нафар милиционер ва соқчилик-пост ҳизматининг 33 инспектори жорий этилди. Ички ишлар вазирлигининг ҳисоботларига қараганда, бундай иш тутиш оператив-хизмат фаолиятининг баъзи йўналишларида айрим ижобий натижаларга эришишда ёрдам берди.

Шунга қарамай, шу ҳисоботлардан маълум бўлиши ча, милициянинг хотиржам бўлиши учун асос йўқ. Участка инспекторлари анча кўпайганлигига қарамай, улар фаолиятининг самараси ҳануз пастлигича қоляпти — жиноят содир этилишига олиб келувчи сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаш ишлари, аҳоли билан якка тартибда олиб борилаётган ишлар кутилган натижаларни бермаяпти. Қайта жиноят содир этиш ҳоллари деярли тўрт баравар кўпайди.

(ЎзТАГ).

• Спорт • Спорт • Спорт • Спорт • Спорт • Спорт • Спорт • Спорт • Спорт

ФУТБОЛ

Мамлакатимиз футболчилари Англияда уч терма жамоа ўртасида ўтаётган халқаро мусобақада қатнашаётганликлари муносабати билан СССР биринчилигининг олий гуруҳида икки ҳафтага яқин танаффус эълон қилинди. Бундан фойдаланган кучли командалар ҳам ўртоқлик учрашувлари ўтказиб, ўз кучларини синаб кўраяптилар. Чунончи, пахтакорчилар Юнонистонга йўл олишди. Улар бу ерда учта ўртоқлик учрашувлари ўтказадилар.

Мамлакатимиз терма жамоаси халқаро мусобақадаги илк баҳсни Лондондаги машҳур «Уэмбли» томошагоҳида Англия футболчилари билан ўтказди. Аммо унда майдон эгаларининг омади келди. Улар меҳмонлар устидан 3:1 ҳисобида ғалаба қозондилар.

Тўғри, мазкур учрашувда дастлаб ташаббус совет футболчилари томонида бўлди. Улар 9-дақиқадаёқ ҳисобни очиб, олдинга чиқиб олдилар. Тўпни Татарчук киритди. У Михайличенко бошлаган комбинацияни муваффақиятли якунлади.

Майдон эгалари шундан кейин то ўйин охиригача ташаббусни қўлга олдилар. Футболчиларимиз ҳимояга ўтишга мажбур бўлишди. Англия чипор тўп усталари биринчи бўлимдаёқ ўз устунликларини амалга ошириб, ҳисобда олдинга чиқиб олишди. 16-дақиқада Смит жавоб тўпини киритиб, кучлар нисбатини тенглаштирди. Бўлим тугашига икки дақиқа қолганда. Плэтт 11 метрлик жарима тўпини бехато бажариб, ўз жамоасини олдинга олиб чиқди.

Бу футболчини учрашув қаҳрамони бўлди, деб айтиш керак. У ўйин тугашига саноқли дақиқалар қолганда ўз ҳисобига яна бир тўп ёзиб, жамоасининг узил-кесил ғалаба қилишини таъминлади.

Мамлакатимиз футболчилари уч терма жамоа ўртасидаги халқаро мусобақанинг иккинчи учрашувини Аргентина терма жамоаси билан ўтказадилар. Баҳслар шанба куни Англия — Аргентина баҳси билан ниҳоясига етади.

* * *

Жумҳуриятимизнинг биринчи гуруҳда ўйнаётган иккала жамоаси ҳам мухлисларини хушнуд этаяпти. Навбатдаги тур учрашувларини ғалаба билан якунлаган Наманганнинг «Навбаҳор» ва Фарғонанинг «Нефтяник» жамоалари ўз мавқеларини янада мустаҳкамлаб олдилар. Биринчи клуб тўққиз учрашувдан сўнг 13 очко жамғариб, пешқадамлар сафида бормоқда. «Нефтяник» эса жамғармасидаги очколарни тўққизтага етказиб, 11-ўринга чиқиб олди.

Биринчи гуруҳда 14 очко тўплаган «Тилигул» жамоаси карвонбошиликни қўлдан бермаяпти. Кейинги ўринларда бораётган тўрт клуб ҳисобида 13 тадан очко бор.

Биринчи гуруҳда навбатдаги тур учрашувлари 27 майда бўлиб ўтади. «Навбаҳор» Ленинградда «Зенит» билан, «Нефтяник» эса Ригада «Пардаугава» жамоаси билан учрашади.

ОҒИР АТЛЕТИКА

Яқинда Куба пойтахти Гаванада спортнинг бу тури бўйича йирик халқаро мусобақа ниҳоясига етди. Унда қатор мамлакатларнинг спортчилари ғолиблик учун курашдилар. Улар орасида СССР вакиллари ҳам бор эдилар.

Серқуёш юртимизнинг ёш полвони Ришад Мансуров айниқса, муваффақиятли қатнашди. 20 яшар бу йигит ер юзининг 20 мамлакатидан келган спортчилар билан баҳсларда иқтидор эгаси эканлигини намойиш этди. Яқиндагина 82,5 килограмм вазн тоифасидаги полвонлар баҳсида жумҳуриятимиз чемпиони бўлган Ришад 362,5 килограмм натижа кўрсатиб, халқаро мусобақада биринчи ўринни эгаллади. У айни чоғда энг яхши полвон деган унвонни қўлга киритиб, халқаро миқёсдаги спорт устаси нормасини бажарди.

* * *

Олмонияда ўтказилган ўсмирлар жаҳон биринчилигидан хушхабар келди. Унда 67 килограмм вазн тоифасидаги полвонлар баҳсида фарғоналик Нодир Сулаймонов яхши натижа кўрсатди. У даст кўтаришда 135 килограмм, силтаб кўтаришда эса 156 килограммлик маррани забт этиб, бешинчи ўринни эгаллади.

Муҳаррир
Н. ЕҚУБОВ.

Ойнаи жаҳонда

25 МАЙ

● УзТВ I

8.00 «Ассалому алайкум».

*

9.00 «Бувам, Килиан ва мен». Бадиий фильм.
10.20 «Ризқ-рўзимиз — нон».
10.50 «Алифбо сабоқлари». I босқич (такрор.).
11.25 «Дўстлик» студияси кўрсатади. «Ягона оилада».
12.25 Ўзбекистон Давлат телерадиосининг хизмат кўрсатган хор жамоаси концерти.
12.55 «Муҳофаза».
13.25 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «2x2=5».
15.25 «Ўзбекистон саноати». Тижорат кўрсатуви.
15.55 «Сувдек сероб бўлинг». Тошкент «Водоканал» трестининг 60 йиллигига.

* * *

18.00 «Ўрмон эртаклари». Мультфильм.
18.15 Усмирлар учун. «Тенгдошлар».
19.00 Ўзбек тилини ўрганамиз.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 Оқшом эртаклари.
20.00 «Барҳаёт наволар». Ўзбекистон халқ ҳофизи Маъмуржон Узоқов.
20.30 Москва. «Время».
21.15 «Барҳаёт наволар». Ўзбекистон халқ ҳофизи Маъмуржон Узоқов (давоми).
22.00 «Ҳафтанома».
23.00 «Хўжа Насриддиннинг 12 қабри». Бадиий фильм («Тожикфильм»).
00.25 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● МТ I

6.00 Телевизион ҳужжатли фильмлар
6.30 «Малика-қурбақа». Мультфильм.
7.00 Ритмик гимнастика.
7.30 ТСН.
7.45 «Библия тупроғида». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси (Венгрия телевидениеси).
8.20 Тонгги дам олиш кўрсатуви.
8.50 «Сиз яратган боғ».
9.20 «Тонг юлдузи».
10.20 «Бурда моден» таклиф этади...».
10.50 «Славянча юриш». Славян ёзуви ва маданияти байрамининг очилиши. Смоленскдан кўрсатилади.
13.00 «Образ». Юқори синф ўқувчилари учун адабий кўрсатув.
14.00 П. И. Чайковский. «Уйқудаги гўзал» балетидан концертсюита.
14.30 ТСН.
14.45 «Марафон-15».
16.00 Эртаклар ва саргузаштлар оламида. «Қийшиқ кўзгулар қироллиги» (М. Горький номли киностудия, 1965 й.).
17.30 «Халқаро панорама».
18.15 «Афсунгарнинг вориси». Телевизион бадиий фильм премьераси. 1 ва 2-сериялар («Латвийс кино», «Алко» студияси, 1990 й.).
20.30 «Время».
21.15 «Бахтли тасодиф». Оилавий телевикторина.
22.15 «Ёқмаса, ўчириб қўйинг». Ҳажвий дам олиш кўрсатуви.
23.15 А. Серовнинг И. Крутой мусиқасига басталаган «Сен мени севасан» янги пластинкаси таништирилади.

● МТ II

7.30 Эрталабки бадантарбия машқлари. 7.50 «Гномлар ҳузурида меҳмонда». Мультфильмлар. 8.05 Рус тили. 8.35 «Европанинг маданий марказлари». Илмий-оммабоп фильм премьераси. 6-фильм — «Прага». 9.45 «Уз-ўзингга мадад бер». Кузнецов ипликторлари. 10.30 «ТВ Ти-Ви ҳақида». 11.30 Волейбол. Жаҳон лигаси биринчилиги. Эркаклар. СССР—Италия терма командалари. Ленинграддан кўрсатилади. 12.30 «Ҳамдўстлик» видеоканали.

*

13.30 УЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ «ДЎСТЛИК» ВИДЕОКАНАЛИ.

*

15.30 «Ҳамдўстлик» видеоканали. 17.00 «Биринчи трамвай борарди», «Уч айиқ». Мультфильмлар.

* * *

19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.00 П. И. Чайковский. Романслар. 20.30 «Время» (сурдо таржимаси билан).

● УзТВ II «ТОШКЕНТ» СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

21.15 «Хабарлар». 21.30 «Кинонигоҳ». Хорижий кино санъати билан таништирилади.

* * *

23.15 «Рўзномачилик тажрибасидан бир воқеа». Телевизион бадиий фильм (А. Довженко номли киностудия, 1987 й.).

● ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ

«ҚИШЛОҚ ҲАҚИҚАТИ»
(«Сельская правда»)
Газета Центрального Комитета Компартии Узбекистана
Выходит на узбекском языке.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Муҳаррир ўринбосарлари —33-44-43, 32-56-21, 33-16-27, 32-54-41, Масъул котиб — 33-09-93, 32-56-26. Масъул котиб ўринбосарлари — 32-56-25, 32-54-48, 32-54-47. Партия турмуши бўлими— 33-54-33, 32-56-22. Совет қурилиши бўлими —32-56-34. Деҳқончилик бўлими — 32-56-35, 32-54-51. Чорвачилик бўлими —32-56-33. Қишлоқ қурилиши бўлими —32-54-44. Маданият, адабиёт ва санъат бўлими — 33-54-33. 32-56-36, Ахборот ва спорт бўлими — 32-54-46, 32-56-39. Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 32-54-52. Безатиш бўлими—32-58-79. Эълонлар бўлими — 33-81-42.

БУЮРТМА № 5386. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. Босишга топшириш вақти 21.00. Босишга топширилди— 22.00 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12